СҮНГГИ СОАТДА

ЯПОНИЯ ЭЛЧИСИ АНДИЖОНДА

АНДИЖОН. Японияниинг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси К. Обата бу шаҳарга ташриф буюрди.

Ҳурматли мехмон Андижон вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари М. Юсупов билан мулоқотда бўлди. Шунингдек, у бу ердаги тиббиёт институти талабаларининг ўқув фаолияти билан танишди. Сафар сўнгида К. Обата вилоятнинг диққатга сазовор жойларини бориб кўрди.

Аҳмадилло **СОЛИЕВ.**

БИЗДА ҲАМ "БОИНГ"ЛАР УЧАДИ

ТОШКЕНТ. Куни кеча республикамиз бўйлаб яна бир хушхабар тарқалди: жаҳонга машҳур "Боинг" авиакомпаниясининг энг замонавий самолёти эндиликда мамлакатимиз ҳаво йўлларида давлатимиз байроғи ва миллий авиакомпаниямиз белгиси остида учадиган бўлди.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси АҚШдан "Боинг — 767" самолётини сотиб олди. Янги йилнинг бошларида яна иккита "Боинг" Тошкентга келтирилади. Дарвоқе, биринчи ўзбек "Боинг"ини АҚШнинг Сиэтл шаҳридан Тошкентга ўзбек учувчилари бошқариб келишди.

Адиба **ГОЙИБОВА.**

ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

КУНИГА 90 ТОННА СОВУН

ФАРҒОНА. Ёғ-мой ҳиссадорлик комбинатида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга эътибор кучайтирилди. Таъмирлаш ишларидан сўнг корхонада кунига 60 тонна рўзғорбоп, 30 тонна атирсовун ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Алишер **ИБОДИНОВ.**

ИСТЕЪМОЛ МОЛЛАРИ КЎПАЯДИ

НАМАНГАН. Тадбиркору ишбилармонлар вилоят ҳокимлигига тўпланишди. Вилоят ҳокими Тўлқин Жабборов йиғилишда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, тадбиркорликни ривожлантириш, ишчи ўринларини кенгайтириш масалалари хусусида сўзлади. Бундай ўзига хос мулоқотни ҳар ойда ўтказиб туришга келишилди.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ.

СҮНГГИ СОАТДА

ОВУЛЛАР ОБОДОНЛАШМОҚДА

НУКУС. Беруний номли ширкатлар уюшмасида ободонлаштириш ишлари яхши йўлга қўйилмоқда. Уюшманинг бош иқтисодчиси Давлатёр Ўразимбетов яхши тадбиркор. Ҳозир учта сартарошхона, иккита бичиш-тикиш, оёқ кийимларини таъмирлаш устахоналари, кунига икки мингтага яқин буханка-нон ишлаб чиқарадиган новвойхона ишлаб турибди. Тиббий хизмат шохобчалари, 9 та мактаб, 10 та болалар боғчаси гавжум. Бу ишлар раҳбарнинг иқтисодиётни яхши билишидан нишона.

Рейимбой **ЕШИМБЕТОВ.**

ТЕМУРИЙЛАР МУЗЕЙИНИ КЎРИБ

САМАРҚАНД. Вилоят ёш саёҳатчи ва ўлкашунослар маркази иқтидорли ҳамда кам таъминланган оилаларнинг 200 нафар фарзандини Тошкент сайлига боришларини ташкил этди. Сафар давомида ўқувчилар пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар. Соҳибқирон таваллудига бағишлаб очилган Амир Темур ва темурийлар давлат музейида бўлиш ёшларда маънавий меросимиз билан фахрланиш, истиқлол ватанимиз билан ғурурланиш туйғусини уйғотди.

Лутфулла **МАМАСОЛИЕВ.**

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 3 декабрь, сешанба № 154 (22.075).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ПОРТУГАЛИЯДАГИ УЧРАШУВЛАР

ЛИССАБОН, 2 декабрь. (Фахриддин НИЗОМ хабар қилади).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1 декабрь куни Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотига (ЕХҲТ) аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг навбатдаги учрашувида иштирок этиш учун Португалия пойтахтига ташриф буюрди.

Бугун Лиссабон шаҳрининг «Белем» маданият марказида Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо мамлакатлардавлат ва ҳукумат бошлиқларининг навбатдаги учрашуви бошланди. Мазкур мулоқотга ЕХҲТга аъзо 54 мамлакатнинг давлат ва ҳукумат бошлиқлари таклиф этилган. Шунингдек, саммитда БМТ Бош котиби вакили, Ўрта Ер денгизи мамлакатлари — Жазоир, Миср, Исроил, Марокаш, Тунис ҳамда Япония ва Корея Республикаси раҳбарлари ҳам иштирок этмоқда.

ЕХҲТ учрашуви чоғида мазкур ташкилот фаолиятининг устувор йўналишлари белгилаб олинади. Бу анжуман давлат ва ҳукумат бошлиқлари учун ЕХҲТ доирасида умумий манфаатларга дахлдор бўлган масалалар юзасидан фикр алмашиш имконини бериши билан ҳам муҳим аҳамиятга эга.

ЕХҲТнинг Лиссабон саммити чоғида умумий декларация ва хавфсизлик модели бўйича декларация қабул қилиниши кутилмоқда. Умумий декларацияда 1989 йилдан бери ЕХҲТга аъзо мамлакатларда демократияни қарор топтириш борасида эришилган ютуқлар қайд этилади ҳамда уларни бундан буён ривожлантириш йўллари белгилаб олинади. Хавфсизлик модели бўйича декларацияда ЕХҲТ доирасида муҳокама этилаётган «XX1 асрда Европа учун умумий ва кенг миқёсли хавфсизлик модели» ўз аксини топади.

Саммит ялпи мажлисини Португалия Бош вазири Антонио Гутерриш кириш сўзи билан очди. У Европада, хусусан, собиқ Югославиядаги уруш ўчоғини бартараф этишда бошқа халқаро ташкилотлар билан биргаликда ЕХҲТ ҳам фаол иштирок этганини қайд этди, мазкур анжуман Европада хавфсизлик архитектурасини барпо этишга киришилаётган бир пайтда ўтаётганини таъкидлади.

ЕХҲТнинг айни пайтдаги раиси, Швейцария ташқи ишлар вазири Флавио Котти анжуман иштирокчилари эътиборини ташкилотнинг хавфсизликни таъминлаш, уруш ўчоқларини бартараф этиш борасида амалга оширилаётган тадбирларига қаратди. У ЕХҲТ урушаётган томонларни яраштиришда қозилик қилмайди, аксинча, воситачи вазифасини ўтайди, деб айтди.

Ялпи мажлиснинг очилиш маросимида БМТ Бош котиби вакили Михаил Петровский, ЕХҲТ парламент ассамблеяси раиси Хавнер Руперес сўзга чиқди.

Шундан сўнг ЕХҲТга аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқлари сўз олдилар.

ЕХҲТнинг Лиссабон саммитида иштирок этаётган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бугун куннинг биринчи ярмида Исроил Бош вазири Б. Нетаньяху билан учрашди.

Учрашув чоғида икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

ЕХҲТнинг Лиссабон учрашуви ўз ишини давом эттирмоқда.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Э. ВОҲИДОВНИ «БУЮК ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбек маданиятини юксалтириш ишига қўшган салмоқли ҳиссаси, миллий маънавият соҳасидаги улкан фаолияти ҳамда мустақил Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги самарали хизмати учун Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидович Воҳидов «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 30 ноябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

А. РЎЗМЕТОВГА «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ТРАНСПОРТ ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик самарали меҳнати, республикада фуқаро авиациясини ривожлантиришга қўшган шахсий ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётда фаол қатнашаётганлиги учун «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси бош директори вазифасини бажарувчи Арслон Ғойипович Рўзметовга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими» Фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 30 ноябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ХОРИЖИЙ САРМОЯЛАР ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРГА БЕРИЛАДИГАН ҚЎШИМЧА РАҒБАТЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ ВА ИМТИЁЗЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг «Хорижий сармоялар ва хорижий сармоядорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунига мувофиқ ҳамда экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарадиган, шунингдек, республика иқтисодиётига сармоя қўядиган хорижий сармоялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари барпо этилишини ҳамда уларнинг самарали фаолият кўрсатишини рағбатлантириш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, 1997 йилнинг 1 январидан бошлаб қуйидаги шартларга жавоб берадиган янгидан ташкил этиладиган корхоналар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ва унинг ҳудудий органларида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар жумласига киради:

Корхонанинг низом жамғармаси 300 минг АҚШ долларига тенг суммадан кам бўлиши мумкин эмас;

корхона иштирокчиларидан бири албатта хорижий юридик шахс бўлиши шарт;

хорижий сармоялар улуши корхона низом жамғармасининг камида 30 фоизини ташкил этиши зарур.

Янги ташкил этилаётган корхоналар мазкур шартларга жавоб бермаган тақдирда хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар жумласига кирмайди ҳамда корхона жойлашган ҳудуддаги шаҳар ва туман ҳокимликларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

2. Шу нарса белгилаб қўйилсинки, юқорида кўрсатилган шартларга мувофиқ бўлган ҳамда хўжалик фаолиятидан тушадиган жами маблағнинг 60 фоиздан кўпроғи низом фаолиятида уларнинг ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулот ва (ёки) кўрсатаётган сервис хизмати улушига тўғри келадиган хорижий, шўъба ва қўшма корхоналар хорижий сармоялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари жумласига киради.

3. Ушбу Фармон қабул қилингунга қадар рўйхатга олинган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар учун ҳозир амалда бўлган солиқ имтиёзлари белгиланган муддат тугагунча сақлаб қолинсин.

4. 1997 йилнинг 1 январидан бошлаб хорижий сармоялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари учун амалдаги кафолатлар ва имтиёзларга қўшимча равишда солиқ имтиёзларининг қуйидаги турлари жорий этилсин:

4.1. Республика инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларга маблағ сарфланаётган хорижий сармоялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари учун фойдадан олинадиган солиқдан озод қилиш муддати 5 йилдан 7 йилга қадар узайтирилсин.

Илгари республика инвестиция дастурига киритилган хорижий сармоялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари учун мазкур Фармоннинг 1-бандида кўзда тутилган шартларга риоя этилгани ҳолда аввал берилган имтиёзли муддатни ҳисобга олиб, солиққа тортиш имтиёзли режимининг умумий даври 7 йилгача оширилади.

4.2. Низом жамғармасидаги хорижий сармоя улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ бўлган хорижий сармоялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари учун фойдадан олинадиган солиқнинг амалдаги ставкалари камайтирилиб, улар низом жамғармасининг катталигига қараб қуйидаги миқдорларда белгилансин:

300 минг АҚШ долларидан 1 миллион долларгача тенг бўлган суммадан —20 фоиз миқдорида;

1 миллион АҚШ долларига тенг ва ундан кўпроқ бўлган суммадан — 16 фоиз миқдорида.

4.3. Экспортга йўналтирилган ва импортнинг ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи хорижий сармоялар иштирокида янгидан ташкил этиладиган ишлаб чиқариш корхоналари:

агар ишлаб чиқариш ҳажмида 25 фоиздан кўпроғини болаларга мўлжалланган товарлар ташкил этган тақдирда ишлаб чиқариш бошланган пайтдан 5 йил муддат мобайнида фойдадан олинадиган солиқни тўлашдан озод қилсин. Шундан кейинги йилларда мазкур корхоналарнинг фойдасидан солиқ амалдагига нисбатан 2 баравар камайтирилган ставка бўйича ундириб олинсин;

агар корхонанинг низом жамғармасида хорижий сармоя улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқни ташкил этган тақдирда ишлаб чиқариш бошланган пайтдан 2 йил муддат мобайнида фойдадан олинадиган солиқни тўлашдан озод қилинсин.

Фойдадан олинадиган солиқ тўлашдан озод қилинган хорижий сармоялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхонасини тугатиш чоғида белгиланган имтиёзли даврдан сўнг бир йил ўтгунга қадар солиқ суммаси унинг бутун фаолият даври учун тўлиқ миқдорда ундириб олинади.

4.4. Низом жамғармасида хорижий сармоялар улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ бўлган хорижий сармоялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналарининг ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтиришга сарфланадиган фойдаси солиққа тортилмасин.

4.5. Қўшимча солиқ имтиёзлари 1997 йилнинг 1 январига қадар ишлаб турган ва рўйхатга олинган хорижий сармоялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналарига нисбатан ҳам жорий этилсин, бунда улар ўзларининг таъсис ҳужжатларини ушбу Фармон қоидаларига мувофиқ ҳолга келтиришлари ва Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлигида қайта рўйхатдан ўтишлари шарт.

5. Белгилаб қўйилсинки, 1997 йилнинг 1 январидан бошлаб хорижий сармоялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари жумласига кирмайдиган янгидан ташкил этилаётган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарга нисбатан амалдаги ва қўшимча равишда жорий этилаётган солиқ имтиёзлари тадбиқ қилинмайди.

6. Давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб бир йил мобайнида белгиланган тартибда ўзининг низом жамғармасини таъсис ҳужжатларида кўзда тутилган миқдорларда туза олмаган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар таркиб топмаган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари ва меъёрий ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар тайёрласин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 30 ноябрь.

Бугуннинг гапи

ЧАРМ КАМЗУЛ АФЗАЛМИ?

Халқнинг турмуш тарзи, маданияти акс этади бозорда. Хорижий давлатлар моллари билан савдо қилувчи дўкондаги олди-сотди эътиборимни тортди. Чарм камзул харид қилаётган она қизига ниманидир қуониб тушунтирарди. Йўқ, қизи гап уқмади шекилли, яна сотувчи билан мол нархини келишолмадими, узоқ савдолашди. Сўнг аёл қулоғидаги балдоғини ечиб сотувчининг қўлига тутқазди. Дўкондор дарҳол бор-барака қилди-ю зиракни олди. Қиз чарм камзуллик бўлди. Суҳбатларига гувоҳлигимни сезган она:

— Ҳай майли, «мода»дан қолган деб тақмасдинг, қизим, ўзиям бувимнинг онасидан қолган балдоқ эди-да, — она бу гапларни синиқ товушда айтди-ю, чиқиб кетишди.

Сотувчига бу эски матоҳ нимага керак?! Сотувчи билан чалакамчатти суҳбатимиздан англаганим «музей», «коллекция» сўзлари бўлди, холос. Бир қарашда оддий олди-сотти бўлиб кўринган бу воқеадан чуқур ўйланиб қолдим. Савдогарнинг шахсий коллекциясидан жой оладиган балдоқ бизга, ўзбек аёлига керак бўлмай қолдимикин? Бугунги харидорга нима керак ўзи? У нимани харид қиляпти?

Эски Жўва бозор расталарига, харидорларга разм соламан. Етти иқлим моллари билан лиқ тўла. Истаган нарсангиз муҳайё. Имконингиз кўтарса, бошингиздан тортиб, товонингизгача чет эл молларига бурканишингиз мумкин. Хориждан келтирилган «Лама», Амирликнинг ҳижоблари-ю, Туркиянинг уст-бошлари, Хитойнинг оёқкийимлари, ўйинчоқлар... тақинчоқлар...

Ҳамма оляпти. Айниқса, газмол растасидаги моллардан кўзингиз қамашади. «Тунги ёғду», «Бой хотин», «Келиниҳ кийсин, қайнонаси куйсин», энди «Морена Клара»сиям кепти. Бу номларни албатта, сотувчи-харидор ўйлаб топгандир. Аёллар, айниқса, қишлоқда яшовчи хотин-қизлар ялтироқ, чиройли буюмларга ўч. Лекин сифати-чи? Бу ялтироқ моллар сифати ҳақида нега ўйламаймиз?

Ҳамма гап ана шунда. «Чет эл-ники» ёрлиғи бўлса бас, ружу қўйишга кўникиб қоляпмиз. Аслида бугунги бозоримизни «тўлдириб» турган молларнинг жаҳон бозорида неча пуллик қадр-қиймати бор? Бир мавсум эмас, 10-15 кундаёқ чок-чокидан сўкилиб, йиртилаётган сунъий кийим-бошлар, болалар пойабзаллари-чи? Болаларимиз учун айнан бугун харид қилаётган курткаларимизнинг ички астари, «пахталиги» хорижда чиқинди сифатида ташлаб юборилиши ҳақида баъзида унутиб қўямиз. Ахир, саноат чиқиндисидан «пахтали» қилинаётган куртка-камзулчаларни европалик ёки бошқа хорижлик кичкинтойларга ота-оналари раво кўрмайди-ку.

Бугунги бозоримизда «ўзимизники» бўлган нима бор? Кўрпа-тўшак тикиб сотаётган чеварларга яқинлашдим. «Парча», «кремплин», «вилюр», «бархит», яна аллақандай сунъий матолардан қавилган чиройли, ялтироқ кўрпа-кўрпачалар. Бешик анжомлари... Сунъий толалар, қаранг, ҳатто бешигимизгача кириб борибди-я. Чақалоқларимизни «замонавий» қилиб «Араб туни», Амирлик «париси»дан тайёрланган йўргакларга ўрадик. Қарияларимизни-чи? Фақат улар қолди ўзлигини унутмаган. Шундай ўйлар билан чопон бозорини оралаймиз. Афсус чопонфурушларнинг қўлида оддий қора лас, беқасамдан қавилган тунни кўрмайсиз.

Одатда рўзғорда бирор кам-кўст бўлса, қўшнидан олинади. Лекин бугунги бозоримиздаги аҳвол кўпроқ ўзиникини бировга бериб, «ўзга» ошни олаётган тўкин хонадонга ўхшаб кетади.

Яқинда бир танишим хорижлик дўстини бошлаб келиб: «2-3 минг жуфт Қўқон пайпоқлари керак» деб қолди. Хорижлик савдогар шу пайпоқларни ўз фабрикасига олиб бориб, шундан 8-10 хил сунъий пайпоқлар тўқитаркан. Майли, ҳаларда бир этикча ёки камзулни 2-3 бола бемалол «тепиларди»да. Назаримда баъзи хорижлик савдогарлар ҳам жаҳон бозорида «ўтмаётган», «ишончсиз» моллари бизнинг бозорга «тепмаяптимикин?» Тажрибасиз, айниқса якка ҳолда мол келтирувчи тижоратчиларимиз харидор соғлиғига зарар келтираётган моллари ҳақида ўйлаб кўрармикин?

Ваҳоланки, жаҳон бозорида аллақачон сунъий молларнинг бозори касодга учради-ку. Ўзлигини англаган харидорнинг диди ҳам сарбаланд бўлади дейишарди. Эгачимнинг ойбалдоғи коллекция кўрки бўлса, ўз юртимда у оддий чарм камзулга айирбошланса, виждон азобланмайдими? Ўзбек аёлининг ўтмиш бир бўлаги узоқ юртда мунғайиб тургандек туюляпти менга. Савдогар эгачимни наинки балдоқдан жудо қилди, уни маънавий яланғочлаб ҳам кетди.

Ўйланиб қолдим: чарм камзул афзалмикин-а ойбалдоқдан? Пахта ватани бўлмиш юртимда сунъий матоларга ўралаётган харидорни кўрсам, ойбалдоғини сунъий чарм камзулга алишган аёлни эсласам, ярамга туз сепгандек бўлади. Булар оддий гапмикин? Сиз нима дейсиз?

Саида ЙЎЛДОШЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

«Сурхонтекстил» ҳиссадорлик жамияти тўқувчиси Насиба Холбўтаева илғорлардан ҳисобланади.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

Миллий иш майдони

ТЎҚИМАЧИЛИК МАЖМУИ ИШГА ТУШДИ

Куни кеча Тошкент вилоятининг Тўйтепа шаҳрида Жанубий Кореянинг «Кобул Текстайлз» компанияси билан ҳамкорликда бунёд этилган мамлакатимиз енгил саноатининг гигантларидан бири «Кобул-Тўйтепа-текстил» қўшма корхонасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Дарвоқе, республика енгил саноат уюшмаси мазкур корхона қурилишининг асосий ташаббускори бўлди. Бир йил мобайнида, 2400 кишилик иш ўрнига эга бўлган бундай йирик иншоотни фойдаланишга топшириш осон кечмади, албатта. Низом жамғармаси 20 миллион АҚШ долларини ташкил этган мазкур фабрикани қуриш ва тўла ишга тушириш учун сарфланган харажатнинг 70 фоизи Жанубий Корея, 30 фоизи эса Ўзбекистон зиммасига тушди. Корхона қурилишига енгил саноат уюшмаси билан биргаликда «Ўзсаноатфуқароқурилиш», Республика агросаноат уюшмаси, «Ўзсувқурилиш», Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги ва кўплаб ташкилотлар бош пудратчилар сифатида жалб этилдилар. Ундан ташқари, Олмония, Япония, Жанубий Корея, Хитой, Шри-Ланкадан ташриф буюрган 120 нафар мутахассис ҳам бу ишда фаоллик кўрсатишди.

Йилига 102,4 минг урчуқ ўрамли калава ип ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган корхонага 130 та пневматик тўқув дастгоҳлари Япония, Швейцария, Бельгиядан келтирилди. Дастгоҳларнинг қолган қисми ҳам дунёнинг энг ривожланган мамлакатларидан олиб келинди. Бу технологиялар эса ўз навбатида 7 та цехга жойлаштирилди. Янги линиялар тўла қувват билан ишлай бошлагач, фабрикада йилига 17 минг тонна калава ва 15 миллион погон метр ҳажмида газлама ишлаб чиқариш имконияти юзага келади. Бу йил корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 80 фоизи чет элга экспорт қилиниши кўзланаётган бўлса, янги йилда 90 фоизи хорижий давлатларга сотилади.

Соҳибжон САЛИМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ДАВРАНИ КЕНГРОҚ ОЛИНГ, МУШТАРИЙЛАР!

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

ГАЗЕТАМИЗ НАШР ИНДЕКСИ:

ЯККА ТАРТИБДА ОБУНА БЎЛУВЧИЛАР УЧУН — 64583.

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР УЧУН — 64588.

«Дўстликдон» ҳиссадорлик жамияти раиси Саидилҳом САИДРАҲМОНОВ: «Корхонамизда «Ўзбекистон овози»га 50 нафар ходим обуна бўлди. Биз газетани нон каби эъзозлаймиз».

***Меҳнат Қаҳрамони, қибрайлик Меҳри опа УБАЙДУЛЛАЕВА:* «Умримнинг мазмунини «Ўзбекистон овози»да кўраман».**

Мустақиллик иншоотлари

БАРХАНЛАР ОРАСИДАГИ МЎЪЖИЗА

ёки Қоровулбозор нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши ҳақида

Бугун ҳамма йўллар Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қурилишига олиб боради. Ҳам мағрибдан, ҳам машриқдан чиққан юк машиналари йўллар туташган жой-Қоровулбозорда эркин тин оладилар. Аслида Ипак йўли ҳам шу ердан ўтган. Бугун шу боис яратувчи инсон ҳам, унга ҳамкор техника ҳам бунда бисёр. Йилига 5 миллион тонна нефтни қайта ишлайдиган улкан иншоотни тезроқ қуриб битказиш — ҳамманинг дил муддаоси.

Мутахассисларнинг фикрича, Бухорода қад ростлаётган завод Осиёда ягона корхона, ишлаш технологиясига тенг келадигани йўқ жаҳонда. 7 хилдан зиёд нефть маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши режаланган. Иншоллоҳ, бунга эришилса, Ўзбекистон нефть мустақиллиги таъминланади. Таъминлайдигина эмас, балки маҳсулотни жаҳон бозорига чиқарса — ўшанда қўринг қудратини, келажаги буюк давлатнинг мавқеини.

— Жаҳон аҳамиятига эга бўлган қурилишда ишлаш шарафига муяссар бўлганимиздан беҳад хурсандмиз, — дейди Навоий қурилиш — монтаж бошқармаси прораби Шуҳрат Камолов. — Ҳозир жамоамизнинг энг сараланган 8 қурувчиси зарбдорчасига ишлаяпти. Бир ой мобайнида катта иш бажаришга улгурдик. Эстакада учун пойдевор қурдик, 5,4 километрли трубапроводни тортдик. Цехлар ўртасида инженерлик коммуникация ишларини бажаряпмиз.

Ҳа, бу ерда мамлакатнинг ҳамма вилоятларидан қурувчилар ишлаяпти. Ҳаммаси бўлиб 6,5 минг киши, юзлаб техника барханлар орасида мўъжиза яратишяпти. Кўкка ўрмалаган кўпминг тонна сиғимли омборхоналар, эстакада, ҳар хил ток, сув, газ узаткич станциялар, турар-жой бинолари... Эҳ-ҳе, қарасанг кўз толади. Гўё мамлакат қурилишлари бу ерга жам бўлгандек.

Яна бир жиҳат. Қоровулбозорнинг табиати ўзгарувчан. Гоҳ қуёш тандирдай қиздиради, гоҳ қуюқ чанг-тўзон кўтарилиб кўз очгани қўймайди.

— Ҳаммасига ўргандик, — дейди қурилишда ишлаётган Туркиянинг «Гама» фирмаси техника бўлими бошлиғи Хоқан Безиржи жаноблари. — Кўп мамлакатларнинг қурилишларида қатнашдик. Аммо бу ердаги эътибор, таъминот ҳаммага маъқул. Ўзаро келишувга мувофиқ биз ўзимизга тегишли иш — заводнинг технология қисмини 24 ойда қуриб берамиз. Ҳозирги иш маромини ҳисобга олсак завод келаси йилнинг май ойида маҳсулот бера бошлайди.

Жаҳонда тан олинган бу йирик фирманинг 1200 ишчиси ҳар дақиқанинг қадрига етиб, ишланганлиги учун ҳам улар монтаж ишларининг 35 фоизини бажаришди. Бир минг уч юз киши ишини бажараётган «Гама»чилар учун лойиҳа асосийдир. Хорижликлар билан бирга «Бухоронефтзаводқурилиш» ҳиссадорлик жамияти, «Амубухороканалқурилиш» «Бухороэрстрой» каби ўнлаб трестлар жамоалари қийинчиликларга қарамай ишлаяптилар.

— Қурилиши уч йилдан буён давом этаётган иншоотда ҳар куни бир янгилик, — дейди Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи дирекцияси ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Очил Шарипов. — Бултур 8 та объект фойдаланишга топширилди. Ҳозир 124 та объектда иш боряпти. Ўтган ойлар давомида маиший хизмат корпуси фойдаланишга топширилди. Марказий ўтиш хонаси, фуқаролар мудофааси, иссиқлик узатиш тармоғи, тайёр маҳсулотлар парки, сув канализациялари фойдаланишга тахт қилиб қўйилди.

Суҳбатдошимнинг таъкидлашича, нефтчилар учун қурилаётган шаҳарча 5 та мавзедан иборат бўлиб, унда барча қулайликлар яратилади. Шаҳарчада 587 та коттеж қуриляпти. Ҳозир 100 га яқини тайёр. 181 тасида иш қизғин боряпти. Богча, мактаб, касалхона, меҳмонхона, дорихона — ҳамма-ҳаммаси яқин орада битади. Бундай олганда жаҳонда тенги йўқ корхона бунёд этиляптики, у биргина бухороликлар учун эмас, балки мамлакатимизда яшовчи барча халқларнинг яшаш шароитини, иқтисодини тубдан яхшилашга хизмат қилажак.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбек феъли

ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛСИН...

«Инсон умрида, ақалли бир маротаба бўлса-да, хайрли иш қилсин!» Роҳат Аҳмедованинг ягона ҳақиқати ана шу...

...Тушида ҳарир либосли фаришталар уни ураб олганмиш. Ҳар бирининг қўлларида қип-қизил атиргуллар. У қўпроқ ана шу атиргулларга маҳлиё бўпти, гуллар томон энди қўлини чўзган экан, фаришталар ундан узоқлашибди. Сўнг буткул ғойиб бўлишибди. Улар кетган томондан эса чўзиқ бир нидо эшитилибди: «Оллоҳу-у-у...» У уйғониб кетибди. Ажабо! Ҳозиргина тушида эшитган сасни энди унгида ҳам аниқ эшитибди: «Оллоҳу!»

Шу куни раҳматли эри тоғларга бўйлашиб турган баландликка қураётган шийпон томини ёпган, эру хотин илк бора шунда тунаб қолишганди. Тонг оттач, у янаям ажиб бир манзарани кўрди: сарин эпқин руҳни эркалар, пастда Ургутнинг сўлим қишлоқлари ястаниб ётарди. Нафақат унинг севимли маскани, балки кўҳна Самарқанднинг бошқа вилоятларга туташ чегара майдонлари ҳам бу ердан аниқ-тиниқ кўриниб турарди!

У эртасига ҳам, индинига ҳам тоққа — ўша гўзал маскан сари ошиқаверди. Ҳамон ярим тунда ўша сирли овозни эшитар, энди бунга ўрганиб ҳам қолганди. Бу ҳақда бировга бир нарса демади, эшитган киши бу ерлардан чўчиши мумкин деб ўйлади. Аммо бир куни... Ёши туқсондан ҳам ошиб кетган волидаси Муҳаррам ая қизига бу жойларнинг синоатини сўзлади: «Қадимда бу тепалик тўпхона бўлган. Сабаби, шу жойдан Самарқанднинг ҳар бир нуқтасини нишонга олиш мумкин бўлган. Ундан ҳам илгарироқ бу муқаддас тупроқ азизу авлиёлар, пиру комиллар маскани бўлган. Ҳали-ҳануз уларнинг руҳлари эзгулиқу тинчлик истаб ярим тунларда кезиб юрармиш. Мен ҳатто уларнинг овозиниям эшитганман»...

Роҳат онаси билан суҳбатдан сўнг ҳамма-ҳаммасига тушунди. Онаизорининг шу жойларни обод қилишга қизи ва куёвига фатво бергани, «ишни бошлайверинглар, сизларни Яратганнинг ўзи қўллагай» дегани едига тушди.

Ўша вақтлар унинг турмушдошини элу-улус «Арслон уста» деб иззатларди. Авлоду аждоди устачилик қилиб ўтган бу беозор одам бинолар тархини чизиш ва уни бунёд этишни жону дилдан бажарарди. Мана шу шийпонни ҳам жуда оз фурсатда қуриб битказди. Ўзиям шийпонмисан шийпон бўлди. Худди чўққига қадалган тождек. Ургутнинг қай томонидан қарасанг, қуринади. Аммо, унинг ўзи... Умри қисқа экан! Роҳат эри вафот қилгач, анчагача шийпон томонга келишга юраги бетламади.

Қай бир йили уларнинг колхози режаларни ўн ҳиссага ошириб бажарди. Илғор колхозчиларга Қримга — дам олиш уйига йўлланмалар тарқатилди. Шулар орасида Роҳат ҳам бор эди. У Қримнинг бемисл табиати, инсон қўли билан яратилган муъжизаларини кўриб ҳайратга тушди. Хаёлларидан бир ўй сира кетмади: «Борганимдан сўнг эримнинг ишларини давом эттираман!» Ҳатто шийпон қурилган баландликка ўзича ном ҳам топди: «Тўпхона!» Ўша жойларнинг ўтмишига ишора бу...

Қримдан қайтгач, Роҳат қишлоқ кексалари билан маслаҳатлашди. Тўпхона шундай жой бўлсинки, Ургут халқи тўй ва сайилларини шунда ўтказишсин! Оқсоқоллар: «Ўйлаганинг яхши-куя қизим. Лекин баландликни обод қилиш учун сувни қаердан оласан?» дейишди. «Тўпхонага сув чиқарамиз» деди Роҳат. Кексалар ажабланишди: «Бир юз эллик метрга! Янглишган экан. Майдонларга қадалган бир неча юз туп ниҳоллар сув берилса-да, амал олмади. Қуриб-қовжираб кетаверди. Шунда Роҳат яна туман раҳбариятига — Улмас Маҳматмуродовга қўмак сўраб борди. 24 та трактор Тўпхона атрофидаги ер майдонларини текислаш ва ишлов беришга ажратилди. Икки минг туп мевали дарахт кўчатлари қайта экилди. Беш гектар янги ер очилиб, узумзор барпо этилди. Ниҳоллар баравж бўлди. Кўчатлар соя бериб қолгач, Роҳат халқни шу ерга чорлади. Чунонам сайл бўлдики, ўша йили... Мана, саккиз йил ўтди, одамлар ҳар йили Ҳайиту Наврўзларини Тўпхонада ўтказишга шошиладилар...

...Суҳбатлашиб ўтирибмизу, атрофга қараб тўймайман. Осмон шундай яқин қўл чўзсанг етгудек. Ён-атроф тоғлар, пастда эса Ургутнинг сўлим боғлари кўзни қувонтиради. Олмазору узумзорлар кўз олдингда яшнаб-яшариб турибди. Ўртадаги дастурхонда Тўпхона неъматлари — заргалдоқ Қандай қилиб?» Роҳат секингина пичирлади: «Ўз-ўзимга сўз бериб қўйганман...»

Машаққатли кунлар шундан сўнг бошланди. Мақсад қанчалар эзгу бўлмасин, уддалаш ўта мушкул эди. Роҳат бир неча марта пойтахтга — катта идораларга қатнади. Режалаш, қазиш-қурилиш ишларига ойлар, йиллар сарф бўлди. Ниҳоят Тўпхонага сув чиқарилди. Энди ҳаммаси осон кўчади, деб ўйлаганди ўшанда Роҳат. шафтоли, қирмизи олма, тилларанг узумлар... Хаёлим узоқларга кетади. Биз негадир ўзга юртлар табиати, чиройли ғўшалари ҳақида тўлқинланиб гапирамизу, ўзимизнинг юртда ундан-да гўзалроқ жойлар борлигини фаҳмламаймиз.

— Бу жойларга сув чиқараман деб елиб-югуришнинг ўзи бир жасорат, — дейман Роҳат опага. — Ўз-ўзидан бўладиган иш эмас, бу. Чўчимадингизми?

— Агар шу ишни бажролмасам, элу юртнинг юзига қандай қарайман, деб тунлари уйқум қочган чоғлар кўп бўлди, — дейди опа. — Ахир биз ўзбекларда лафз, орият деган улуғ тушунчалар бор. Қолаверса, яшаш имкони кишига бир маротаба берилади. Шу қисқа умрда инсон эзгу ишлар қилмоққа улгуриши керак. Бу жойларнинг ҳузур-ҳаловати одамларга насиб этаётир. Шуни ўйласам, чеккан машаққатларим эсимдан чиқиб кетади...

— Ҳалим Муминов номли жамоа хўжалигидагилар сизни тайёр машинага ўтирмасдан, уч чақирим жойга пиёда қатнашингизни айтишди. Чарчаб қолмайсизми? Ахир сиз...

— Нафақа ёшидасиз-ку, демоқчисизда-а... (Опа кулиб юборади. Сўнг яна жиддий тортади.) Менимча, уч нарса киши руҳини тетик қилади: барвақт уйғониш, пиёда юриш, узинг ҳақингда яхши сўз эшитиш...

Опанинг айтишича, ҳар йили Тўпхона чорбоғларидан тонна-тонналаб узум, шафтоли ва олма ҳосили йиғиштирилиб, ерлик аҳолига тақсимланаркан. Ургут бозорларида Тўпхона узумлари талаш экан. Қилинган соф даромад ҳисобидан серфарзанд хонадонларга моддий ёрдам уюштириларкан. «Роҳатой Тўпхона директорлигидан ташқари ўзи яшаётган Ҳалим Муминов жамоа хўжалиги хотин-қизлар қўмитасига раисалик ҳам қилаётир, — дейди онахонадан бири. — Маҳаллаларда ўтказилаётган яхши тадбирлар, тўй-тўйчиқларга ҳамиша бош-қош. Умридан барака топсин, илоҳим...»

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.

ИШЛОВ.

Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат.

Меҳр-шафқат

САВОБЛИ ИШНИНГ ОХИРИ ЯХШИЛИК БИЛАН ТУГАЙДИ

Яхшилик ҳамиша яхши-да. Бироқ бировнинг кўнглини кўтариш, унга таскин бериш анча мушкул. Айниқса ўша биров ногирон бўлса... Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қарорига мувофиқ кейинги йилларда республикамизда ҳам кенг нишонланаётган ногиронлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш куни арафасида Тошкент шаҳар ижтимоий ўзаро ёрдам меҳрибонлик жамиятининг раиси Ҳабибулла Миртожиевич Жалилов билан суҳбатлашдик.

— Очиғини айтсам, дастлаб иш бошлаган кезларимда ёнимга келган ногиронларнинг юзига сираям тик қараб гаплашолмасдим, ботинолмасдим. Уларнинг ҳол-аҳволи... Шунда ҳаётидан, бугунидан ношукур одам улар билан бир марта мулоқотда бўлсайди. Кўнгли ўксик ҳолдаям жамиятга нафим тегсин дея ишламоқчи, бирор фойдали иш билан овунмоқчи бўлган ногиронларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишга интилаётганини кўриб, ўзига хулоса чиқариб оларди, деб ўйлардим. Ҳали айтишади-ку бирни кўриб шукр қил, бирни кўриб фикр қил, деб. Жамиятимизнинг шу боисдан ҳам асосий фаолият йўналиши ногиронларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, уларни иш билан таъминлашдан иборат. Шунингдек, маънавий-моддий ёрдам кўрсатиш, ҳуқуқларини ҳимоя қилишда кўмаклашиш, шаҳримизда улар учун турли тадбирлар уюштиришни ҳам асосий вазифамиз, деб биламиз. Ўзини ўзи маблағ билан қоплаш асосида фаолият кўрсатадиган нодавлат, жамоат ташкилотимиз қошида бир неча ишлаб чиқариш корхоналари мавжуд бўлиб, у ерда эллик фоизгача ногиронлар ишлашади. Бундан ташқари жамиятга аъзо ногиронларнинг уйда бирор бир фойдали иш билан банд бўлишлари учун ҳам шароит яратиб беришга ҳаракат қиламиз.

— **Жамоат ташкилоти, деяпсиз, бундай ташкилотларнинг ёрдам берувчилари, ҳомийлари бўлгувчийди. Сизларда ҳам...**

— Кошкийди, шундоқ бўлса. Бугунги кунда ўзингизга маълум ҳамма нарса маблағга бориб тақалади. Агар сиз айтгандек, шундай хайрихоҳлар бўлса кўп муаммоларимиз шубҳасиз ҳал бўларди.

—**Очиқроқ гапирсангиз.**

— Очиқроқ гапирадиган бўлсам гап кўп-да. Аввало шуни айтиш керакки, ҳукуматимиз тарафидан берилаётган имтиёзлар талайгина. Лекин ишимизда шундай оғриқ нуқталаримиз ҳам борки, уларни ҳал этиш анча мушкул кечяпти. Солиқ тўлаш, ногиронлар иш жойини аттестациядан ўтказиш, шунингдек, нафақа жамғармаси хусусидаги муаммоларимиз муаммолигича турибди.

—**Ҳабибулла ака, шаҳар туманларида ҳам жамият бўлинмалари тузилганми?**

— Ногиронларга узоққа бормай, ўзлари яшаётган ҳудудда, жойида ёрдам беришни ташкил қилиш мақсадида ҳозирча еттита туманда шундай бўлимларимиз бор. Ногиронлар куни муносабати билан мазкур туманларда шу кунларда байрам тадбирларини нишонлаш ўн кунлиги ўтказиляпти. Ҳар бир туман бўлими дастурхон ёзибми, совға-салом уюштирибми ёки моддий ёрдам берибми, ишқилиб баҳоли қудрат жамиятимиз аъзолари бўлмиш ногиронларнинг кўнглини кўтаришга ҳаракат қилишяпти.

Кўнгли ўксик одамга мурувват кўрсатган, хайр-эҳсон қилганни Оллоҳ ҳамиша қувватларкан. Ногиронни сийлаганни эса инчунун. Шу боис Тошкент шаҳар меҳрибонлик жамиятининг олиб бораётган ишлари, келгуси режалари хайрли. Бу ерда ишлаётганларни бир сўз билан айтганда ногиронликни ҳис қила оладиган, уларнинг дарди, қувончини ўз ғами, шодлиги деб билган жон фидо инсонлар дейиш ўринли бўлар. Улар билан бирга ён-веримиздаги меҳрга муҳтож инсонлар кўнглини сизу биз ҳам ололсак бундан ортиқ яхшилик бўлмаса керак.

* * *

Ногиронлар куни муносабати билан кеча Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлигига қарашли мамлакатимизда ягона ногиронлар ҳунар-техника билим юртида байрам дастурхони ёзилди. Ўқув маскани раҳбари Барот Каримов меҳмон, мезбонларни қутлаб, бу даргоҳда олиб борилаётган ишлар хусусида тўхталди. Саккиз йўналишда мутахассислар тайёрланаётган мазкур ўқув юртида республикамиз вилоятларидан келиб ҳам билим олиб, ҳам ҳунар ўрганаётган талабалар талайгина. Шубҳасиз, эрта-индин улар соатсозлик, радио-телевидение, тикувчилик, бухгалтерия касблари бўйича мутахассис бўлиб, ўз вилоятлари корига ярайдилар.

Тадбирда жамоат ташкилотлари вакиллари билим-юрти талабаларига совға-саломлар топширишди. Куй ва қўшиқлар байрам тантаналарига ўзгача руҳ бағишлади.

Умида ФАЙЗИЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

АСР БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ АЁЛ

***БУЮК БРИТАНИЯ.** Англиялик Лиззи Хартшорн 100 ёшни қаршилади. Юз йил умр кўришнинг ўзи катта бахт. Нуроний онахоннинг юбилей кечаси уюштирилди. Афсус, фалокат қош билан қовоқнинг орасида. Тантанали кечада қаттиқ ҳаяжонланган Лиззи йиқилиб тушди. Оёғи қаттиқ жароҳатланиб, тахтакачланди. Аёл ҳатто қироличанинг табрик телеграммасини очиб ўқишгаям улгурмади. Буюк Британия қироличаси Елизавета II қариялар уйида истиқомат қилаётган барча 100 ёшга кирганларга табрик йўллайди.*

АМЕРИКАНИНГ БИР КУНИ

***АҚШ.** Тонгни бир пиёла хушбўй қаҳва ичиш билан бошлаган америкалик тунни телевизор олдида кутиб олади. Бу одатий ҳолнинг кўпда ажабланадиган ери йўқ. Мана шу бир тонгдан тунгача бўлган фурсатда бепоён Америкада 14 минг киши никоҳдан ўтади (тўғри, 6 минг киши ажралишади), 11 минг гўдак дунёга келади (соатига бир ярим минг чақалоқ туғилади), жамият эса 6 минг кишини сўнгги йўлга кузатади.*

***АҚШда** шу фурсатда оқ танлилар оиласида 8 минг асл америкалик фуқаро туғилади, 1,8 минг қора танли гўдак, 419 нафар болакай эса осиёликлар хонадонига қувонч келтиради.*

САЛОМАТЛИГИМ — БЕКЛИГИМ

Миннатдорчилик

Фарғона водийсининг гўзал гўшасидаги Чимён санаторийси фақатгина дам олиш маскани эмас. Бу ерда замонабоп тиббиёт анжомлари билан жиҳозланган муолажа хоналари мавжуд бўлиб, унда беморлар даволанадилар. Марказ уқалаш, парафин, иглотерапия ва олтингугурт суви ёрдамида бепуштлик, юрак, асаб ва аёл-эркакларда жинсий шамоллаш хасталикларини даволашга ихтисослашган. Санаторийда нафақат катталар, балки болалар саломатлигини асраш учун ҳам зарур имкониятлар муҳайё. Эътиборхон Аҳмедова, Тожихон Маҳмудова, Манзурахон Мўминова кабилар муолажалар орқалигина эмас, қалбларининг меҳри дарёлиги билан инсонларга шодлик улашаётирлар.

Чориёр ГУРТҚИЛИЧЕВ,
Тошкент Давлат педагогика институти толиби.

ИБН СИНО ВОРИСЛАРИ

Яқинда бир ўлимдан қолдим. «Тез тиббий ёрдам» клиник шифохонасида олий тоифали жарроҳлар Шомурод Меҳмонов ва Гулбаҳор Бобораҳимоваларнинг ўз касбига садоқати, фидойилиги туфайли мураккаб операциядан соғ-омон чиқдим. Очиғи, дунёга янги келгандек бўлдим. Уларни мен ҳақиқий Ибн Сино ворислари, Гиппократ қасамига содиқ, меҳрибон оқ халат соҳиблари дея алқагим келади. Боиси бир мен эмас, бошқа беморлар ҳам бу шифокорлардан жуда мамнун. Уларнинг хушмуомаласи, беморларга берадиган далдаси киши кўнглини тоғдек кўтариб юборади.

Павел СИЛИН.

Бир хат изидан

ТЎСИҚЛАР ОРТИДА НЕ БОР?

Меҳнатобод туманидаги «Пахтакор» деҳқон-фермер хўжаликлари ҳудудида жойлашган «Янги ҳаёт» деҳқон хўжалиги бошлиғи Қодирали Деҳқонов редакциямизга ёрдам сўраб мурожаат қилди. Унинг қисқача мазмуни қуйидагича: у бош бўлган деҳқон хўжалиги жамоаси ғалла етиштириш ва давлатга сотиш бўйича зиммага олган буюртмани ошириб адо этди. Давлатга режадагидан ортиқ 2700 килограмм бўғдой топширилди. Аммо ҳозир режалаштирилганидан ортиқ миқдорда топширган ана шу ғалласининг ҳақини ололгани йўқ. У ғалла ҳисобига пул эмас, балки шунга яраша ун ва яна имкон бўлса икки қоп гуруч сўрамоқда.

Бир қарашда оддийгина масала. Афтидан Қодирали ака ҳам дастлаб шундай деб ўйлаган бўлса керак. Чунки бундан бир йилча муқаддам унинг шу ҳақдаги илтимосини ҳеч қандай гап-сўзсиз амалга ошириб берган эдилар. Қодирали ака бир йил давомида ўз оиласини беташвиш ун билан таъминлай олган эди.

Лекин ишлар бу йил бутунлай бошқачасига кўчмоқда. Ғалла эгаси шу ҳақдаги илтимосини тилга олдиям-ку, нақ балога қолди. Аниқроғи, икки ойдирки, боши ғалвадан чиқмай қолди. Ховос дон ишлаб чиқариш маҳсулотлари ҳиссадорлик жамияти, шу жамиятнинг вилоятдаги бош қароргоҳи, вилоят ҳокимлиги ўртасида қатнайвериб, у ердаги раҳбарларга ўзининг оддий илтимосини тушунтиравериб толиқди. Охири энди у бу идоралардан ўз муаммосининг ечимини топа олмай, пойтахтга , хусусан газета редакциясига ҳам ёрдам сўраб мурожаат қилмоқда.

Хўш, нега шундай? Нега Қодиали Холматов ўзи етиштирган ва ихтиёрий равишда топширган ғалласи қийматига яраша ўз шериги бўлган ташкилотдан ун олишга ҳаққи йўқ?

Биз ана шундай савол билан Сирдарё вилояти дон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар акционерлик уюшмаси раиси Юсуф Йўлдошевга мурожаат қилдик.

— Юқоридан бизга рухсат йўқ, — деди Юсуф Йўлдошев. — Биз деҳқон-фермерларимизга мавжуд тартибга биноан уруғлик дони, макажўхори, омухта ем, макарон беришимиз мумкин. Буғдой билан ун эса бундан мустасно, яъни уларни бера олмаймиз.

Сўнгра биз у кишининг ана шу сўзларини эътироф этиши лозим бўлган ҳужжат, яъни ўзаро шартномага назар солдик. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги томонидан тасдиқланган бу ҳужжат «Дон, ёғ таркибли уруғлар, пичан ва ўт уни бўйича намунавий контракция шартномаси» деб аталади. Унда «Қўшимча шартлар» бобида жумладан, тайёрловчи (бу ўринда вилоят акционерлик уюшмаси раиси Юсуф Йўлдошев ва корпорация рухсатига асосланган ҳолда 40 фоизли аванс қиймати ҳисобидан экиш учун дон уруғлари, омухта ем ва бошқа маҳсулотлар сотиши мумкинлиги уқтирилади.

Кўриниб турибдики, шартнома ҳужжатида маҳсулот етказиб берувчининг у ёки бу маблағи ҳисобига унга ун ва дон бера олиш ҳуқуқларини ман этувчи бандлар йўқ. Биз юқорида таъкидлаб ўтган «...ва бошқа маҳсулотлар» деган иборада эса ҳар икки томоннинг эҳтиёжларига қараб иш юритиш йўллари мавжуддек кўринади.

Республикамиз иқтисодиёти мустақиллик пиллапояларидан юқори сари интилиб, аста-секин ўз қаддини ростлаб, камол топиб бормоқда. Икки йилдирки, ғалла мустақиллиги йўлидаги ишлар ҳам ўзининг дастлабки ижобий самарасини бера бошлади. Туманлар, хўжаликларда бу борада қимматли тажрибалар тўпланмоқда. Соддароқ қилиб айтадиган бўлсак, аста-секин ўз нонимизга эга бўлмоқдамиз, омборларимиз ўз далаларимизда етиштирилган дон билан тўлмоқда. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлардан ўзаро келишилган ҳолда ишловчиларга ойлик маош ёки бошқа тўловлар ўрнида нақд пул ўрнига маҳсулот билан ҳисоб-китоб қилиш иқтисодиётимиз учун янгилик бўлмай қолди. Ўрим-йиғим пайтида комбайнчилар, транспортчилар, ўроқчилар ва ҳашарчиларга дон билан натура тарзида ҳақ тўлаш ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

Энди яна асосий масалага қайтайлик. Вилоят дон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ҳиссадорлик жамиятлари уюшмаси раисининг таъкидлашича, ғалла етиштирувчилар давлат буюртмасини бажарганларидан сўнг ортиб қолган ғалласини ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиш имкониятларига эга. Дон ва ун муаммоларини улар ана шу ҳисобидан ҳал қилишлари керак.

Бу тўғри, албатта. Лекин ҳаётимизнинг қамрови кенг, бунинг устига давримиз ўзгаришларга ва янгиликларга бой. Кўп ҳолларда бугунги гап эртага тўғри келмай қолмоқда. Шунинг учун ўша асосий тартиб-қоидаларга таянган ҳолда масалага мавжуд шароит ҳамда умумманфаат нуқтаи-назаридан келиб чиқиб ёндашган маъқул эмасми?

Бу йил Сирдарё вилоятида, шу жумладан, Меҳнатобод туманида ҳам ғалла етиштириш ва давлатга сотиш буюртмалари бажарилмай қолди. «Пахтакор» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасида эса бу соҳадаги кўрсаткичлар ташвишли бўлди. Чунки уюшмада ғалла етиштириш 40 фоизда, давлат буюртмасини бажариш эса 76,3 фоизда қолиб кетди.

Оғир ва шўрланган ерларда ишлаётган шу хўжалик ҳудудидаги Қодирали Холматов сингари етти нафар тадбиркор бош бўлган деҳқон хўжалиги эса бу йилги қийин шароитга қарамай давлат олдидаги ўз буюртмаларини ошириб бажардилар. Қодирали Холматовнинг таъкидлашича, давлат буюртмасини 113,5 фоизга етказиб, кўнглини тўқ қилиш ва юзини ёруғ қилиш учун йил бўйи етиштирган ҳосилнинг деярли барчасини топширишга тўғри келди.

Энди буни қарангки, вилоят дон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар акционерлик уюшмаси раҳбарлари ўзларининг ана шундай жонкуярлари билан арзимаган эҳтиёжлари устида улар билан гап талашмоқдалар, деҳқон хўжалиги одамларини сарсон-саргардон қилмоқдалар.

Шартнома матни билан танишар экансиз, беихтиёр кишида яна бир шундай савол туғилади. Нега энди фермер чорвасига омухта ем, маккажўхори ёки истеъмолчиларга макарон ва бошқа маҳсулотлар бериш мумкин экану, лекин шу неъматларни етиштираётган деҳқоннинг ўзига унинг эҳтиёжига яраша миқдорда ун беришнинг иложи йўқ экан? Ахир бу маҳсулотлар мазкур ўюшма таркибидаги хўжаликлар ва корхоналарда ишлаб чиқарилади-ку? Ўз буюртмачисига ғалла топшираётган деҳқон шартномада белгиланадиган ортиқча топширган ғалласи пулига ўз эҳтиёжига яраша унни ҳам шу жойнинг ўзида олса, бунинг нимаси ёмон экан?

— Иқтисодий жиҳатдан бу биз учун фойдали бўлар эди, — дейди яна бирлашма раиси, — лекин бунинг учун бизга юқоридан рухсат йўқ. Раис айтаётганидек, бу тадбир иқтисодий жиҳатдан ҳар икки томон учун фойдали бўлса, нега уни амалиётга киритиш мумкин эмас?

Хўш, бу ўринда ким ҳақу ким ноҳақ? Буюртмасини ошириб бажариш йўлида бор будини қўйиб, энди ўз пулига эҳтиёжига яраша ун ололмай юрган деҳқонми ёки ўз манфаатини ҳимоя қилаётган вилоят акционерлик уюшмаси раҳбарларими?

Ўзбекистон Республикаси Дон маҳсулотлари давлат акционерлик корпорацияси раҳбарлари, уларнинг ишлаб чиқаришга яқинроқ бўлган вилоятлардаги бўғинлари ўз идоравий манфаатларини ҳимоя қилишлари билан бирга далада ишлаётган, уларга маҳсулот етказиб бераётган деҳқонларни чин дилдан яхши кўрсалар, уларнинг катта-кичик эҳтиёжларига турли расмий-норасмий тўсиқлар ортидан эмас, балки қалб кўзи, оталиқ меҳри билан қарасалар, бундан икки томонлама наф келиши, деҳқоннинг кўнгли тўқ, бели бақувват, қалби бутун бўлиши турган гап. Қолаверса, шартнома шартларини ҳам замон талаблари асосида янгилаб турилса, фойдадан ҳоли бўлмасди.

Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



СИНГАПУРЛИК ЁШЛАР БИРИНЧИ

Жаҳон халқ таълими ютуқларини ўрганиш халқаро ассоциацияси томонидан дунё ёшлари орасида математика ва амалий фанлардан билим-иқтидорларини синаш мақсадида ўтказилган кўрик ниҳояланди. Унда дунёнинг 41 мамлакатидан 150 минг иқтидорли ўқувчилар иштирок этди. Дунёдаги энг яхши математик деган шарафли номга сингапурликлар лойиқ деб топилди.

Халқаро кўрик якунидан шу нарса маълум бўлдики, ўқувчининг дунёқараши айнан бир предметга бўлган қизиқишига қараб белгиланмайди.

КАНАДАДА ЖЕК ЛОНДОН КЎЧАСИ БОРМИ?

Канадаликлар машҳур америкалик ёзувчи Жек Лондон асарларини севиб ўқишади. Ёзувчининг бу ерда 30 та роман ва новеллалари чоп этилган. Айниқса, ижодкор Канаданинг шимолий қисмида яшаган индейцлар ҳақида кўп ёзган. Уайтхорс шаҳрида яшовчилар Жек Лондоннинг 120 йиллик юбилейи муносабати билан хайрли тадбир ўйлашди. Шаҳардаги марказий кўчалардан бири Жек Лондон номи билан аталадиган бўлди.

Мустақиллик ва бурч

ТЎРТИНЧИ УМРИМ БОШЛАНДИ

Иброҳим РАҲИМ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Шукрки, Оллоҳ менга инъом этган шу саксон йиллик ҳаётимда бир одам фарзанди сифатида пешонамда нимаики қисмату ҳиммат бўлса шуни кўрдим. Тирикчиликнинг битилмаган қонунларига нақадар шафқатсиз бўлса-да, ҳеч нарсадан нолимадим. Борига кўндим, йўғига чидадим. Раҳматлик онам бир этак етим жужуқларини чарх йигириб, ип қилиб сотиб оч қўймай, юпун қилмай ўстирди. Бунинг учун онаизоримга ҳамду саноолар айтишдан чарчамайман.

Замона яхши одамлардан ҳоли эмас эди. Тўртқўрғон ичидаги амакиларим ҳам бир бурда нонни биз етимлардан аямасди. Аммо биз бутун нон орзусида болаликданоқ меҳнатга тутиндик. Бу борада биз етимлар ўша кезларда нене машаққату, маломат, азоб-уқубатларга дуч келмадик.

Буларнинг барига чидадик. Аммо сира кам бўлмадик. Энг муҳими, танбал ҳам бўлмадик. Яратганнинг ўзи инъом этган тақдирга шукр!

Менинг ҳаёт йўлим йигирманчи аср ўзбек ўғлонининг қисмат сўқмоқларига ўхшаш, тақдирим эса шу оғир даврнинг машаққатию заҳмати чангалзорлари, оловли, суронли синовларида тобланди. Бир йигит қисматида қандай синовлар бўлса, шуларнинг барини кўрдим, десам лоф эмас. Ўйлаб қарасам, тўрт ҳаёт — тўрт умр кўрибман. Биринчи ҳаётим — етимликнинг ғам-ғуссаси ва ёшлик ғурури билан ўтган бўлса, иккинчиси ўт-олов ичида ўтди. Вояга етиб-етмай жангу жадалларда ажал билан юзма-юз, Тангри паноҳида жон олиб жон бериб, ярим минг кунлик қисматни бошдан кечирдим.

Уруш шундоқ офатки, унинг ҳар лаҳзаси қирғин-барот... Ҳисоблаб чиқсам Ғарбий Белоруссия билан Ғарбий Украинани озод қилиш жанглари, оқ финларга фашизмга қарши қирғин-баротда бир миллиард лаҳза жангда бўлибман. Демакки, бир миллиард марта ўлиб кетишдан мени худо сақлади. Яратганим — ўз паноҳида сақловчимга ҳамду санолар бўлсин!

Ҳаёт курашдан иборат, дейди файласуфлар. Менинг урушдан кейинги учинчи ҳаётим ва умрим ҳам курашларда ўтди. Совет тузуми, коммунистик ғоя якка ҳокимлиги даврида ҳам мен Компартиянинг онгли аъзоси сифатида ҳатто партком котиби лавозимида ҳам ўз йўлимдан қайтмадим — ленинизмнинг зўравонлик, сталинизмнинг тоталитар сиёсатига бўйин бермай, қўлимдан келганича халқимнинг миллий, маънавий қадриятларини тиклаш, она тилимизни соф тутиш учун курашдим.

Бу осон йўл эмаслигини яхши билардим, аммо бундан қайтиш ҳам ўлимдан баттар эди. Чунки сут билан кирган ғояни қон билан ҳам чиқариб бўлмасди. Мендаги бу ғоя волидамнинг оқ сути, бешик олдидаги алласию, болаликда қулоғимга қуйган ўгитларидан яралганди. Волидам Тўхтабиби отин қўпинча алла ўрнига ҳам мумтоз асарларни ўқиб эшиттириб қулоғимни пиширган, онгимни тарбиялаганди. Менда ҳаётга меҳр, адабиётга муҳаббат уйғотиб, мени мўмин-мусулмон, ватанпарвар қилиб тарбиялаган онамдан ва халқимдан бир умр миннатдорман.

Тақдир тақозоси билан «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасида, «Гулистон», «Муштум» журналларида бош муҳаррир бўлиб ишлаганимда, «Ўзбекфильм» киностудиясига бошчилик қилганимда, ёзувчилар уюшмасида ишлаганимда ҳам халқимга хизмат қилишни ана шу миллий руҳ ҳисси билан оғишмай давом эттирганим ҳаммага аён. Бир замонлар мен бошчилик қилган «Қизил Ўзбекистон»нинг асл ўзбекча бўлиб чиқаётгани «юқори»га ёқмади, «Гулистон» миллий қадриятларимизни кўз-кўз қилиб, қадимги бойликларимиз сепини ёйиб «Ўзбегим»ни ардоқлаётгани учун мени исёнкор деб таъқиб қила бошладилар. «Муштум»да босилган «Арслон ўлими» туфайли бошимда ўйнаган қилич ҳақиқатни кесолмагани ҳам барчага аён.

Оллоҳга минг бор шукрки, ўз ҳаққоний бандасини тутқинликка тутиб бермади. Йўқса, «ўлжа» ахтариб кеча-кундуз орқа юрган соялар мени тузоққа илинтиришлари турган гап эди.

Адабий танқидчиликда ҳам менга маломат тошлари отилди. «Исириқ», «тасбеҳ», «дин тарғиботчиси» дебми, «Шароф Рашидов билан бирлашиб олиб адабиётчиларга ҳужум қилди», дебми, хуллас шунга ўхшаш уйдирмаларни ҳам ёпиштирмоқчи, ҳарбий атамаларимни ўз билгича қораламоқчи бўлдилар. Ўша кезларда бундан норози бўлган яхши ниятли кишилар менга «Нима учун бу бўҳтонларга зарба бермаясиз?» деганларида мен «Улар ўзларига ўзлари зарба беряптилар. Нега десангиз улар билибми- билмайми танқид қиламан, деб мени мақтаётганини сезмагандилар. Кейин уялиб қоладилар», дердим. Шундай вақт келди.

Ўша вақтдаги тузум кирдикорлари не-не алломаю доноларни, ёзувчи-ю шоирларни, ишчан азаматларни гумдон қилмади. Изимдан юрган соялар мени ҳам «кўзингни оч!» деб қўрқитмоқчи бўлдилар. Шукрки, худо мени қўрқиш балосидан асраган экан. Қўрқоқни эса жинимдан баттар ёмон кўраман. Қўрқоқнинг бети қурсин! Фронтда бир қўрқоқ бутун бир рота аскарининг қирилиб кетишига сабаб бўлган. Бир қўрқоқ қўмондон бутун бошлиқ армиясини немисларга тутқин қилган. Бундан ортиқ хоинлик, разиллик бўладими? Қўрқоқ билан хоиннинг уруғи бир. Командир қўрқоқ бўлса — лашкар заиф, раҳбар қўрқоқ бўлса ишлар ланж. Қўрқоқлардан худо асрасин.

Адабиётимизнинг устунлари бўлмиш Чўлпон, Абдулла Қодирий, Фитрат ва Усмон Носирларнинг устидан туҳмат ёғдирган кимсалар ҳам ўзимизнинг ичимиздан чиққан қўрқоқлар эди. Шунинг учун биз мустақиллик учун курашни қўрқоқларга қарши курашдан бошладик.

Ўзбекистон озодликка эришган кундан иборат менинг тўртинчи ҳаётим ва тўртинчи умрим бошланди. Бу даврда менинг тақдирим ўз халқим янглиғ — катта бахтга айланади. Озодмиз, эркинмиз, бахт қушимиз бошимизга қўнди — катта бахт. Ер, сув, ер ости хазиналари — ўзимизники. Қадимий қадриятларимиз қайтиб келди — бу ҳам бахт. Мамлакатимиз дунёнинг буюк давлатлари билан шерикчилик, ҳамкорлик қила бошлади. Буям бахт устига бахт. Шукрки, мен шуларнинг ҳаммасига шерикман.

Ниҳоят, мустақил Ўзбекистоннинг эркин фуқаросиман. Тақдиримга минг қатла шукрки, мустақил Ўзбекистоннинг фуқароси-ю, «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳибиман.

Миллий озодлик кураши тарихидан

ХАЛҚ ҚАЛБИДАН ЎЧМАС ВОҚЕА

1. «КЎНГУЛДА ДАРДУ ҒАМ АНЧА»

Тарихда «Жиззах қўзғолони» деган ном билан аталувчи воқеанинг келиб чиқишига нималар сабаб бўлган? Бу ҳақда тарихчи олимларимиз шу пайтгача турли талқинда ёзиб келишди. Маълумки, 1916 йил собиқ Туркистоннинг анча-мунча нуқталарида Урусия мустамлакачиларига қарши қўзғолонлар бўлиб ўтди. Фарғона водийсида, Тошкентда, Еттисувда ва бошқа манзилларда бўлиб ўтган қўзғолонлар шулар жумласидандир. Ўша йилги кўтарилишлар орасида Жиззах қўзғолони алоҳида ўрин тутади.

Ҳа, мустамлакачилар ва уларнинг ғоялари тарихни тўғри ёритишга имкон бермасди. Аввало улар ўзларини бошқа халқлардан баланд тутардилар. Қолаверса, ўша мустамлакачилар тарихий воқеаларнинг тўғри ёритилиши туфайли ўзларининг кетлари очилиб қолишидан чўчирдилар. Учинчидан, (мустамлакачиликнинг энг муҳим мақсади ҳам шу эди), босиб олинган жойларда юз берган тарихий далилларни бир томонлама ёритиш ёки умуман ёритмаслик натижасида бошқа халқлар тарихини эсдан чиқаришдан иборат эди «буюк ғоя»ларга сиғинган фан йўриғи. Масалан, Соҳибқирон Амир Темур ўрнига Иван Грознийни, Шерғозихон ўрнига Петр биринчини ўрганишга маҳкум этилгандик.

Жиззах қўзғолони ва унинг юзага келиши сабабларига қайтайлик. Аслида бу сабаблар ҳам мустабид тузум даврида деярли беркитиб келинди, гоҳо йўл-йўлакай айтилган жойларда ҳам воқеаларга «улуғ рус лашкарининг зафарли юриши» сифатида таъриф берилиб, асосий моҳият сояда қолиб кетаверарди. Ваҳоланки, Жиззах қўзғолони ўзўзидан ёки бесабаб пайдо бўлган воқеа эмас эди.

Ўрислар босқинига қадар ҳозирги Жиззах вилоятининг ҳудуди Бухоро амирлигига тобе эди. Тарихий манбалардан маълумки, босқинчи Урусия лашкарлари XIX асрнинг ўрталарида ҳозирги Қозоғистон ҳудуди ва Тошкентни забт этганларидан сўнг бир неча йилгача нафас ростладилар. Бу борада босқинчилар 1855 йилларда бўлиб ўтган Ўрис-Қрим урушига бироз алаҳсиган бўлишлари мумкин. XIX асрнинг 60-йилларида ўрис лашкарлари Марказий Осиёнинг қолган ҳудудларини, жумладан Бухоро амирлигини забт этиш учун юриш бошлайдилар. Уларнинг Чиноз атрофида Сирдарёни кечиб ўтаётганларидан хабар топган амир Музаффар душманни жанг билан қарши олишга ҳозирлик кўра бошлайди.

Аслида амир Музаффарнинг мунтазам таълим кўрган лашкари деярли йўқ эди. Аскарликка чақирилган лашкарнинг асосий қисми бой-бадавлат хонадонлар даласида мардикор сифатида кун ўтказишарди. Амир ана шу лашкарларини зудлик билан йиғдирди. Кам сонли пилта милтиқларни ҳисобга олмаганда лашкарнинг асосий қисми қилич ва найзалар билан қуролланган эди. Амир эҳтимол ана шу лашкарларига қаттиқ ишонганидан ўрис саркардаларининг жангсиз таслим бўлиш ҳақидаги таклифларини рад этган эди.

Сони-саноғини ҳеч ким билмайдиган шу тахлитдаги лашкар амир Музаффарни ғурурлантирди. Ўрисларнинг ваҳимадан қочиб қолишларини кўз олдига келтириб, амирлик ҳудудидаги катта-катта манзилларга жарчилар юборди: «Етти яшардан етмиш яшаргача бўлган эркак зоти борки, жангга отлансин!» Шу тариқа сон-саноқсиз оломондан иборат лашкар билан Самарқанддан, Жиззахдан ўтиб, чўл орқали юриш бошлади.

Бухоролик зукко олим Аҳмад Дониш ўзининг «Тарихи салотини Мангития» («Мангит султонлари тарихи») асарида шундай гувоҳлик беради... Амирлик лашкари Сирдарё яқинидаги Сассиққўл яқинига етганда (Ержар пасттекислиги бўлса керак, айрим тарихчилар худди шу жанг майдонини Майдаюлғун чўли деб атайдилар) шу жойни амир Музаффар жангоҳ деб тайин қилади. Ўша жойда

1

Халқаро ҳаёт • Халқаро ҳаёт • Халқаро ҳаёт • Халқаро ҳаёт

АМИРЛИКНИ БУЮК БРИТАНИЯ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ

АБУ-ДАБИ. Бирлашган Араб Амирликлари билан Буюк Британия ҳукумати ўртасида ўзаро мудофаа ҳақида шартнома имзоланди. Шартномага кўра, Буюк Британия Амирликни ташқи ҳужумлардан ҳимоя қилади ҳамда Лондонда араб ҳарбийларини ўқитади.

Бирлашган Араб Амирликлари илгари АҚШ ва Франция давлатлари билан ҳам худди шундай битим тузган эди. Охирги уч йил мобайнида Вашингтон ва Париж билан Амирликлар ўртасида 4,3 миллиард АҚШ долларидан кўпроқ миқдорда ҳарбий шартномалар тузилган.

ИККИТА РЕАКТОР ЕТКАЗИБ БЕРАДИ

ПЕКИН. Канада Бош вазири Жан Кретьен ва ХХР давлат кенгаши бошлиғи Ли Пэн Хитойдаги Циньшан атом станциясининг учинчи навбатини қуриш ҳақидаги шартномага имзо чекди. Ҳужжатга асосан, Канада атом саноати корпорацияси Хитойга ҳар бири 700 минг КВТ қувватга эга иккита реактор етказиб беради.

Мазкур реакторларни ишга туширишдан бўйича синов 2003 йилга мўлжалланган.

ҚУРОЛЛИ ГУРУҲ ҚУРОЛСИЗЛАНТИРИЛАДИ

ВАШИНГТОН. БМТ Хавфсизлик Кенгаши Африкадаги тинчликни сақлаш қучларининг Либерияда қўзғолон кўтарган 60 минг нафар жангарини қуролсизлантириш борасидаги ҳаракатини қўллаб-қувватлади.

Қуролли гуруҳ етакчиларининг Нигерия пойтахтида имзолаган тинчлик битимига асосан, улар келаси йилнинг 22 январига қадар тўлиқ қуролсизланиши лозим.

ЯНА «КАТТА ОҒА»ЛИКНИ ҚЎМСАЯПТИЛАРМИ?

Ўтган ҳафта дунё ҳамжамияти Белоруссиядаги референдумга алоҳида қизиқиш билан қаради. Бунинг боиси бор эди. Чунки, мамлакат ҳаётида муҳим роль ўйнайдиган Конституция масаласида ўтказилган референдум даставвал Белоруссия парламенти билан Президент Александр Лукашенко ўртасидаги келишмовчиликларга нуқта қўйиши керак эди. Шундай бўлди ҳам. Лекин Белоруссияда бунгача, яъни референдум куни — 24 ноябргача юз берган сиёсий воқеалар нафақат ушбу давлат аҳолисини, балки қўшни мамлакатлар, биринчи навбатда Россия сиёсатдонларини ҳам ташвишга солиб қўйди.

Маълумки, Белоруссия Президенти Александр Лукашенко мамлакатнинг янги Конституцияси лойиҳасини ишлаб чиқиб, уни референдум орқали кенг халқ оммаси муҳокамасига қўйишни депутатларга таклиф этганди. Бироқ парламентдаги бир қисм депутатлар Президент таклиф этган Конституция лойиҳасида парламент ваколатлари чекланиб, давлат раҳбари ваколатлари кенгайтириб юборилган, деган хулосага келдилар ва ўзларининг муқобил лойиҳаларини тавсия этдилар. Хуллас, манфаатлар тўқнашуви бошланиб, Президент ва парламент ўртасида келишмовчилик пайдо бўлди. Аввалига Конституция бўйича референдум 7 ноябрга мўлжалланган эди. Лекин ҳокимият вакиллари ўртасидаги қарама-қаршилик бу муддатнинг ўзгаришига олиб келди. Ва, ниҳоят, Президент Лукашенко қатъий қарор қилди: референдум 24 ноябрда ўтказилади — унда Президент таклиф этган лойиҳа варианти билан бир қаторда парламент томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа ҳам тенгма-тенг муҳокамага қўйилади. Халқ қайси бири учун кўпроқ овоз берса, ўша лойиҳа мамлакат барча фуқаролари учун мажбурий ҳисобланиб, тўла кучга киради.

Давлат раҳбарининг бу фикри парламент депутатларининг катта қисмида норозилик кайфияти уйғотди. Улар дарҳол А. Лукашенкони президентлик ваколатларини бекор қилиш (импичмент) масаласини кун тартибига қўйдилар. Шу тариқа қарама-қаршилик кун сайин кучайиб борди. Президент Лукашенко вазиятнинг оғирлигини тушунди, шекилли Москвага мадад сўраб келишга мажбур бўлди. Россия Давлат думаси депутатлари ҳузурида сўзга чиқди, Бош вазир В. Черномирдин билан учрашди. Белоруссия ҳокимият органлари ўртасидаги сиёсий тўқнашув сўнгги нуқтасига келиб қолганини сезган Россия дарҳол «воситачилик йўли»га ўтди.

Хўш, нега Россия қўшни бир давлат ички ишларига аралашишни лозим, деб топди? Биринчидан, бу авваламбор Россия стратегик манфаатлари ифодаси эди. Маълумки, Россия-Украина муносабатлари ҳанчалик юришмай турибди. Шундай бир шароитда Россияни Ғарбий Европа билан боғлайдиган жўғрофий минтақа ҳисобланмиш Белоруссия геополитик вазият жиҳатидан алоҳида аҳамиятга эга. Айни шу мамлакат ҳудудидан муҳим транспорт коммуникациялари, катта газ қувурлари тизими Европа томонга ўтган. Бундан ташари Белоруссияда Россия ядро қурилмалари ҳанузгача сақланмоқда.

Муносабат

Иккинчидан, Россия жаҳон ҳамжамиятига «Мана, кўриб қўйинглар МДҲдаги аҳволни: у ёки бу давлатдаги беқарор ички вазиятга Россия аралашмаса, барқарорлик бўлиши қийин», дея шаъма қилмоқчи, рус ташқи дипломатиясининг саъй-ҳаракатларини яна бир бор «таъқидламоқчи» эди. Қарама-қарши томонларни келиштириш мақсадида Бош вазир В. Черномирдин, Россия икки палатаси раҳбарлари Е. Строев ва Г. Селезневлар Минскка келдилар. 21 ноябрдан 22 ноябрга ўтар кечаси қарийб ўн соат мобайнида Белоруссия Президенти А. Лукашенко билан парламент раиси С. Шарецкий ва Конституцион суд раиси В. Тихиня ўртасидаги мулоқот Россия ҳукумати ва парламенти раҳбарлари воситачилигида олиб борилди. Эртасига маҳаллий вақт билан соат еттида «Ижтимоий-сиёсий вазият ва конституцион ислоҳот ҳақида»ги келишувга ҳар икки томон ҳам имзо чекканлиги эълон қилинди. Унга кўра, референдум 24 ноябрда ўтказилиши, лекин Конституция бўйича овоз бериш натижалари фақат тавсия характерига эга бўлиши кўзда тутилганди. Айни вақтда Президентнинг бу масала борасидаги ноябрь ойидаги фармонлари бекор қилинадиган, депутатлар эса Конституцион судга берган Президент ваколатини бекор қилиш (импичмент) ҳақидаги сўровларини қайтариб оладиган бўлишди.

Россия матбуоти ва телевидениеси шу куниёқ бутун дунёга жар солди: «Россия воситачилиги Белоруссия давлат ҳокимияти вакилларининг ўзаро келишувига ва жиддий сиёсий тангликнинг бартараф этилишига ёрдам берди». Ҳатто ўз қўл остидагиларининг сўзларига ишонган мамлакат Президенти Борис Ельцин ҳам буни телевидение орқали таъкидлади. Хуллас, бу воситачиликни улар «Россия ташқи дипломатиясининг катта ютуғи» дейишди.

Аммо, бу дунё шундайки, айтилган гап — отилган ўқ бўлиб қолаверади. Баъзан, кутган натижани бермаслиги ҳам тайин. Белоруссия ички ишларига нисбатан «Россия воситачилиги» ҳақида ҳам худди шу фикрни айтиш мумкин. Негаки, бир кун ўтар-ўтмас Белоруссия парламенти юқоридаги келишувни маъқулламади. Охир-оқибат Президент Лукашенко ҳам айтганидан қайтмади: референдум натижалари тавсия йўналишида эмас, балки мажбурий характерга эга бўлади, дея фармон чиқарди. Парламент импичмент масаласини қайта кўриб чиқишни яна конституцион суддан сўради. Худди шундай оғир бир вазиятда — 24 ноябрда Белоруссия халқи ўзларининг келажагини белгилайдиган Конституция лойиҳалари бўйича овоз бердилар. Дастлабки натижаларга кўра, қарийб 84 фоиз сайловчилар референдумда иштирок этишди. Рўйхатга киритилган сайловчиларнинг 70,5 фоизи Конституция бўйича Президент А. Лукашенко лойиҳасини қўллаб-қувватладилар. Депутатлар лойиҳаси фақат 7,9 фоиз сайловчилар томонидан маъқулланди. Хуллас, А. Лукашенко ғалаба қозонди. Янги Конституция бўйича вакиллик палатаси — қуйи парламентни шакллантиришга киришилди. Белоруссия Президенти Италиянинг «Репубблика» газетасига берган интервьюсида у Олий Кенгашни тарқатиб юборишни кўзламаётганлигини, балки эски парламент депутатлари билан келишиб олишига ишонч билдираётганини айтди. «Менинг фикримча, биз ҳозирги Олий Кенгашни янги парламентнинг қуйи палатасига айлантириш масаласини ҳал қилиб оламиз, — деди Лукашенко , — Шу боис янги сайловлар ўтказишнинг ҳожати йўқ, барибир биз амалдагисидан яхшироқ депутатларни тополмаймиз. Қисқаси, Рождество байрамигача ҳамма муаммолар ҳал этилади».

Чамаси, Белоруссия халқи ўз раҳбари бошчилигида яқин келажак йўлини танлаб олди. Бинобарин, бир давлатнинг ички ишига ташқаридан ўзгаларнинг аралашуви ҳеч лозим бўлмай қолди. Буни «катта оға»ликка даъво қилаётганлар эндиликда тушуниб етсалар айни муддао бўлур эди.

Аслиддин БОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози»
шарҳловчиси.

СУВ ОСТИ КЕМАСИ СОТИБ ОЛДИ

ҚОҲИРА. Эрон Россиядан «Кило» русумидаги яна бир сув ости кемаси сотиб олди. Теҳрон ўзининг Форс кўрфазидаги ҳарбий денгиз флотини кучайтирмоқда. Маълумки, дунёдаги нефть заҳирасининг 70 фоизи худди шу кўрфазга тўғри келади.

Шунингдек, Эрон Ислом Республикасининг Уммон ва Форс кўрфази ҳудудида «Пируз-7» деб номланган ҳарбий жанговар машқлар ўтказгани ҳам бежиз эмас. Бу ҳарбий машқларда 100 та кема, 40 дан зиёд самолёт ва вертолётлар, ўн мингга яқин ҳарбий хизматчилар иштирок этган.

986-ҚАРОР БАЖАРИЛАДИ

ҚУВАЙТ. Ислом Конференцияси ташкилоти Ироқ ҳукумати Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 986 қарорини бажаришга розилик берганини қўллаб-қувватлади.

Мазкур ташкилот бош котиби Ал-Ҳабид Ироқ ҳукуматининг бу қарорини мамлакат халқи манфаати ва ҳудудий барқарорликни мустаҳкамлаш йўлида қўйилган ижобий қадам, дея баҳолади.

РЕФЕРЕНДУМ ОСОЙИШТА ЎТДИ

ЖАЗОИР. Айрим гуруҳларнинг дўқ-пўписасига қарамай, мамлакатнинг янги конституциясини қабул қилиш бўйича референдум осойишта ўтган. Жазоир ҳукумати сайлов округлари хавфсизлигини таъминлаш учун 380 мингдан ортиқ махсус хизмат ва полиция вакилларини жалб қилган.

амир учун чодир қурилади, баланд сўкчакнамо шийпонча ҳам тикланади. Амир унинг устида ўтирганича ўрис лашкарининг қандай мағлуб бўлишини томоша қилмоқчи эди. Душманнинг қораси кўрингунга қадар зиёфат, ўйин-кулги давом этди.

Ўрис босқинчиларининг лашкари тахминан бир ярим минг — икки минг нафар оралиғида эди. Жанг ғоятда қисқа бўлди. Ўрусия лашкари узоқдан кўриниши ҳамони амир лашкарлари ҳужумга ҳозирлик кўра бошладилар. Ўрислар тахминан икки юз метр оралиқда тўхтадилар. Амир лашкарлари улар устига бостириб бориш учун йўлга тушдилар. Шунга биноан пичоқ, болта, теша, кетмон, асосан чўқмор таёқ ва узун гавронлар билан қуролланган оломон ҳам қўзғолиб қолди. Амир лашкарлари пилта милтиқларини отиб улгурмадилар. Ўртадаги оралиқ тахминан юз метрдан камайиб қолганда ўрислар бир зарб билан отишни бошладилар. Олдинги сафда бораётган амир лашкарларидан юз нафардан кўпроғи йиқилиб тушди. Кўп ўтмай иккинчи зарб отилди — аввалги ҳолат такрорланди. Амирлик лашкарида, фақат лашкарида эмас, оломонида ҳам парокандалик бошланди. Ҳамма тум-тарақай қочишга тушди. Амир Музаффарнинг ўзи- шоша-пиша «томошагоҳ»дан тушди-да, эгарсиз отига миниб, ўн-ўн беш навкари ҳамроҳлигида Ховос тараф қочди...

Ҳалигина сон-саноқсиз «лашкар» билан тўлиб турган Ержар чўли (Эҳтимол ҳозирги Мирзачўл туманининг аллақайси давлат хўжалиги ўрни бўлса керак) ҳа-ҳу дегунча бўшаб қолди. Амир Музаффар чодири турган жойга ўрис лашкарлари етиб келганларида янги ўчоқда ҳали шўрваси сузиб улгурилмаган қозонни, салгина нарида эса сархонасида тамаки тутаб турган чилимни кўрдилар...

Кечқурун ғира-шира пайтида амир Музаффар Ховос тарафдан қайтатуриб Жиззахда қисқа муддатга тўхтаб ўтди. Самарқандга кетишида жиззахликларга: «Ўлсаларинг ўлингларки, қалъани ўрисларга топширманглар», деб буйруқ берди. Ўша куниёқ Жиззахга Самарқанддан қўшимча кучлар юборди. Бироқ у кучлар ягона раҳбарга бўйсунадиган тартибли лашкар эмас эди.

Ўрис лашкарлари аввалига Жиззахнинг теварак-атроф қишлоқларини босдилар. Кўп ўтмай Жиззах қўрғонининг қамали бошланди. Жиззахликлар ва қўшимча кучлар амир Музаффарнинг йўл-йўлакай айтиб кетган амрига биноан уч кунгача ўрис босқинчиларининг қамалига дош бердилар. Босқинчилар тўртинчи куни ҳийла-найранг ва куч ишлатиб қўрғонга бостириб кирдилар ва қўрғон ҳимоячиларидан қаттиқ ўч олдилар.

Аҳмад Дониш бобомиз (илоҳим, жойлари жаннатдан ато этилган бўлсин) бундай манзарани жонкуярлик билан таърифлайдилар: ўрис босқинчиларининг ўқидан ҳалок бўлаётганлар даҳшат ва қўрқув билан «вой-вой-вой» деган нидо асносида сафга тизилаверардилар. Улар орасидан бирор довюрак одам чиқиб: «Ҳой, мусулмонлар, ахир биз кўпчиликмиз, улар озчилик-ку. Ўнтамиз ўлармиз, йигирматамиз ўлармиз, ажали етмаганларимиз қолади-ку буларга қарши курашсак!», дея олмасди.

Аҳмад Донишнинг мўмин-мусулмонларга ачинишини тўғри тушунмоқ керак. Аммо, мағлубият юз берганда жасорат йўқолади-да.

Ана кўрдингизми, ўша мудҳиш кунларда, аниқроғи, 1866 йилда Жиззахнинг бегуноҳ халқидан босқинчи ўрислар шундай ўч олишган эди.

Яқин ўтмишда Жиззах узра пайдо бўлган халқ қушиқларидан бирида шундай сатрлар бор:

2

Қизил гул ғунчаси ғунча,
Кўнгулда дарду ғам анча.
Келиб ёнимда ўтиргин
Менинг кўнглим очилгунча...

2. ТАРИХГА СИҒМАС МУСИБАТ

Афсуски гоҳи-гоҳида бойўғли овозидек хунук эшитиладиган ёқимсиз хиргойилар қулоққа чалиниб қолади: «СССР тикланса яхши бўларди», «Эҳтимол ўшанда аҳволимиз яхши бўлиб кетарди...» ва ҳоказо... Арвоҳ нидосига ўхшаш бундай сўзларни халқимиз тарихидан мутлақо бехабар саводсизлар айтиши мумкин. Ёки Ватан нималигини, миллат ва миллий ғурур нималигини мутлақо билмаган кишилардан, қорним тўйса бўлди, бошқаси билан ишим йўқ, дейдиган имонсиз одамлардан чиқиши мумкин!

Шу муносабат билан бундан роппа-роса 80 йил муқаддам бўлиб ўтган воқеани, яъни 1916 йилги Жиззах қўзғолони ва унинг қай тариқа бостирилганини бир эслаб ўтайлик...

Зулм нима? Қаҳр-ғазаб нима? Ўч олиш дегани нима ўзи?

Ана шу сўзлар бу кўҳна дунёнинг ҳамма даврларида ўз лугавий маъносини адо этиб келган ва, ҳеч бир халққа, Худо кўрсатмасин, бундан кейин ҳам адо этавериши мумкин. Сўнгги бир неча ўн йилликлар давомида немис фашизмини дунёдаги энг золим партия деб таърифлаш-тасвирлаш одат тусига кириб қолди. Гўёки фашистлар фаолиятга киришгунларига қадар ер юзида бу қадар золимлик, ваҳшийлик юз бермаган ва бундан кейин ҳам у даражадаги зулму бедодлик юз бериши мумкин эмас эмиш...

Аслида ундай эмас. Тарихни бир қадар зийраклик ва мушоҳада билан ўрганган одам мозийда ҳам даҳшатли зулмлар кўп бора юз берганига, такрорланганига ишонч ҳосил қилади. Хўш, Чингизхон юриши давридаги оммавий қирғинлар, етти яшардан етмиш яшаргача бўлган аҳолини қиличдан ўтказишлар фашистларнинг кирдикорларидан қолишадими?

Ҳа, золимлик ва қотилликнинг бирон хилини ҳам оқлаб бўлмайди. 1916 йилдаги Жиззах қўзғолонининг аёвсиз бостирилишидаги қабоҳат ва разолат ҳам, фашистларнинг қилмишидан ўтса ўтадики, ундан қолишмайди. Тарихчи олим Ҳабиб Турсуновнинг ёзишига кўра, Жиззахда юз берган қўзғолон мустамлакачи амалдорларни саросимага солиб қўйган. Қўзғолоннинг бошланиши ўша йилнинг 13 июлида юз берган бўлса, 14 июлдаёқ Тошкентдан полковник Владиславлев бошлиқ бир рота, сапёрлар взводи, 4 тўпли батареядан иборат жазо отряди Жиззахга жўнатилган. Ўша кундан эътиборан Самарқанддан ҳам махсус рота, 90 нафардан иборат ҳарбий бошлиқлар ротаси, Оренбург казаклар сотняси шу тарафга йўл олади. Мустамлакачи амалдорларга ана шу миқдордаги кучлар ҳам камроқ кўринади — 16 июль куни Тошкентдан Жиззахга полковник Иванов бошлиқ 12 рота, 6 та тўп, 3 та казак сотняси, сапёрлар ротасидан иборат бош жазо отряди юборилди. Кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган хунрезликлар бошланиб кетди.

Тарихчи Ҳабиб Турсунов раҳматли собиқ советлар сиёсатига ўта берилган олим эди. Шунга кўра у ўрис халқининг мустамлакачи амалдорлари ҳақида ҳам ғоятда эҳтиёткорлик билан ёзар эди. Бироқ у ўрганилган

(Давоми 4-бетда).

3

Халқаро ҳаёт • Халқаро ҳаёт • Халқаро ҳаёт • Халқаро ҳаёт

ХАЛҚ ҚАЛБИДАН ЎЧМАС ВОҚЕА

(Давоми. Боши 3-бетда).

мавзу бўйича йиғилган далилларни қоғозга туширишга мажбур эди, зеро, тарих илми шуни тақозо этарди. Жиззах қўзғолонининг бостирилиши ҳақида олим шундай ёзади:

«Жазо отрядлари Жиззах қўзғолонини ўтакетган шафқатсизлик билан бостирдилар. Меҳнаткаш омма фожиали аҳволга тушди. Ҳарбий қисмлар эски Жиззахга ўт қўйиб, ер билан яксон қилди. Юзлаб жиззахликлар ёш-қари демай отиб, чопиб ўлдирилди. Эски шаҳар аҳолиси бошпанасиз қолиб, қишлоқма-қишлоқ саргардон бўлди. Ҳарбий қисмлар қишлоқларда ҳам қирғин қилди. Жуда кўп камбағал деҳқон-батраклар дорга осилди ёки отиб ўлдирилди».

Қишлоғимиздаги отахонларимиз, онахонларимиз айтиб беришган айрим лавҳалар ёдимиздан кўтарилмайди. Ўша мудҳиш кунларда эркакларни шартта отиб ташлашу ва ёш аёлларга нисбатан бесқинчилик қилиш, айрим ҳолларда аёлларни ҳам эрмак учун ўлдириш авжига чиқади. Ҳикояларга кўра, қизлар ва ёш келинлар кўзга яқин бўлиб кўринмаслик учун юзларига қозонкуя ёки лой суртиб юрар эканлар. Бироқ у шўринг қургурлар шу йўл билан ҳам бесқиндан ёки ажалдан қутулиб қололмаганлар... Раваллиқ қишлоқлик онахонларнинг айтишларича, мулла Турдиқул домланинг оналари Ҳидоят кампир ўз ҳовлисида таҳорат олиб турган лаҳзаларда девордан мўралаган ўрис солдати томонидан отилган ва офтобанинг устига йиқилиб жон таслим этган...

Худди шу тариқа кечган бир неча кунлик хунрезликдан сўнг Жиззах шаҳридан ва атроф қишлоқлардан йиғилган барча эркагу аёлни қадимги Бозорбоши майдонига — Жиззах мадрасасининг рўпарасига ҳайдаб борилган. Эрта тонгда бошланган бу жараён қуёш кунботиш тарафга оғиб кетгунигача давом этган. Бир тарафига тўплар тўғрилаб қўйилган, атрофда қуролланган жазокор лашкарлар айланиб юрган майдонда минг-минглаб фуқаро жазирама иссиқда терлаб-пишиб, ўзининг ҳали-замон етиб келадиган ажалини кутиб ўтиришган. Ўриндан туришга ҳам, нарибери бориб ҳожат чиқариб келишга ҳам рухсат берилмаган.

Шу тариқа «ана ўламиз-мана ўламиз» деб ўтирган фуқаролар орасида шу сатрлар муаллифларидан бирининг ота-

4

онаси ҳам бўлганлар. Онамнинг қўлларида тўнғич фарзандлари Очил исмли олти ойлик чақалоқ ҳам бўлган... Амалдорлару жазо отрядининг каттадан кичиги юқоридан келадиган қандайдир буйруқни кутиб туришган. Бир маҳал янги шаҳар тарафдан извош ва унинг атрофида отлиқлар кўзга ташланади. Олаётган ҳар бир нафасини ғаниматдек билиб ўтирган оломон яна бир қалқиб тушади. Извош ва унинг атрофидагилар етиб келишади. Извошда ўтирган амалдор ўрнидан туриб, оломонга юзланган ҳолда шундай дейди:

«Сиз маккор жиззахликлар подшоҳи аъзамнинг олий фармонига итоат қилмаганларингиз учун подшоҳи аъзам сизларни отувга буюрган эди. Генерал-губернатор Куропаткин сизларнинг гуноҳларингизни оқ подшодан тилаб олибдурлар. Сизлар энди бу шаҳарда яшашдан маҳрум бўлдингиз. Сизларни шаҳардан 25 чақирим нарига сургун қиламиз».

Шу тариқа чўлга сургун бошланади. Аҳолининг бир қисми Учтепа чўлига, бир қисми Қийли тарафга ҳайдалади. Бу аслида ўлимга маҳкум қилинган даражадаги сургун эди. Чунки одамгарчилик қоидаларига амал қилинадиган мамлакатларда сургун қилинувчига кийим-кечак ва озиқ-овқат олиш учун маълум бир муҳлат берилади. Яъни маълум кун ёки маълум соатда тайёр бўлиб туриш лозимлиги айтилади.

Мустамлакачи амалдорлар оломонни бадарга қилишлари ҳамоно шаҳарга ўт қўйишни бошлаб юбордилар. Учтепа чўлидагилар ҳам, Қийли тарафга ҳайдалганлар ҳам шаҳардаги ёнғин алангасини чуқур хўрсиниқлар билан эрталабгача кўриб турдилар. Атроф қишлоқлардаги кўримли-кўримли иморатлар ҳам қуйиб кул бўлди. Шуни таъкидлаш лозимки, жазо отрядидагилар шаҳарни куйдириб-ёндириб кулга айлантириш учун вагон-вагон ўтин ҳам келтирган эдилар...

Ҳувиллаган чўлда кун кечириш, вақт ўтказиш учун озиқ-овқат керак, калта-култа бўлса ҳам кўрпа-тўшак керак — бу ҳаммага маълум ҳақиқат. Шу сабабли айрим жасоратлироқ одамлар, айрим таваккалчилар кечалари ўз қишлоқларига бориб, уйларидан ул-бул нарсалар олиб қайтардилар чўлга. Аммо қишлоқларда жазо отрядининг қуролланган лашкар-

5

лари изғиб юришарди. Одамлар эса ўзларини хавф-хатарга қўйиб бўлса ҳам қишлоққа келиб-кетишга мажбур эдилар.

Шундай хавф-хатарлардан бири ҳақида. Муҳаммади бобо (муаллифлардан бирининг отаси) тунда қишлоққа йўл олади. Манзилга кириб бораверишда ўз қишлоғидан таниш бир аёлни учратади. Аёл қўлида эмизикли боласи билан ейишга озиқ-овқат, кийишга кийим олиб кетиш учун келаётган экан. Аёл зим-зиё қоронғуликда ҳовлисига киради, Муҳаммади бобо ўз ҳовлисига ўтиб кетади. Муҳаммади бобо аёлгинанинг, бирга кетамиз, деган илтимосига биноан уйидан ул-бул олиб қайтиб келади. Аёл бир қўлида тугун, иккинчи қўлида боласи билан чиқа бошлайди. Аммо дарвозага яқинлашганда нимадир эсига тушгандек ортига қайтади. Кўп ўтмай милтиқ отилгани эшитилади... Аёл чиқавермайди. Чақалоқнинг йиғиси эшитилади. Муҳаммади бобо эҳтиёткорлик билан ҳовлига кириб қарасаки... Аёл боласи билан тугунни айвон бурчагига қўйиб, айвон устунидаги сузма қатиқни олмоқчи бўлади. Аммо халтани михдан олиб бўлган маҳали... ўқ отилган экан... Муҳаммади бобо иккита тугун билан ғўдакни кўтарганича чўлга равона бўлади...

Сандиқ устида калит,
Очолмаган Адолатхон,
Жиззахга ўт тушганда,
Қочолмаган Адолатхон,

деган қўшиқ ана шундай манзаралар туфайли пайдо бўлган эди.

Маълумотларга қараганда, орадан 10 — 15 кун ўтгандан сўнг бадарғадан қишлоқ ва шаҳарга қайтишга рухсат берилади. Лекин ана шу 10 — 15 кун давомида анча-мунча одам очлик ва хорлик-зорликда қирилиб кетади... Учтепа мавзеида бир қадимий қабристон бор. Унинг тарихини кўпчилик яхши билмайди. Аслида у 1916 йилда чўлга сургун қилиниб, ўша ерда вафот этганларнинг қабрларидир.

Оқилжон ҲУСАНОВ,
ёзувчи.
Отамурод МУҲАММАДИЕВ,
Халқаро Шароф Рашидов фонди бош директори.

6

Тузатиш

«Ўзбекистон овози»нинг 30 ноябрь сонида «Мулоқот саҳифаларида» материалининг иккинчи хатбоши 4-сатридан «Палея» нашриёти директори Н. Мишин сўзбошиси билан чоп этилган Ислом Каримовнинг «Барқарорлик ва ислоҳотлар» китобига бағишланган» деб ўқилсин.

Обуначи бурчаги

ОЗИШНИНГ АНТИҚА УСУЛИ

Чироқчида Рустам Қулмуродовни танимаган киши кам топилади. У «Олтин қўллар» дастасининг хушовоз хонандаси. Шу элнинг тўйи усиз ўтмайди. Ёши 31 да.

Яқинда уни кўриб, тўғриси, кўзимга ишонмадим. Икки йил аввал учрашганимизда семизликда ҳар қандай кишини ортда қолдирадиган Рустамжон энди чаққон, келишган бир ҳолатга келибди. «Ўзингизмисиз?», сўрайман ундан:

— Тўғриси, шунга ўхшаш гапни кўп эшитяпман. Ҳатто, бир йил аввал кўрган қариндошларим ҳам ўз кўзига ишонқирамаяпти, — дейди у. 1994 йилнинг октябрь ойлари эдиёв, Самарқанддаги дўхтир синглим Хумора: «Ака, бу кетишда ўзингизга қийин бўлади» деган эди. Ҳақиқатан ҳам, шу пайтлар нафас олишим оғирлашганди. Шу-шу озишга қарор қилдим.

Аввалига 3-4 дона гугурт чўпни ерга ташлаб, ҳар бирига бир мартадан эгилиб, териб олдим. Тиззани букмасдан. Эрталаб енгил гимнастика билан шуғулландим. Кун ўтган сайин гугурт чўплар сонини кўпайтириб бордим. Ҳозир 70 дона чўпни ерга сочиб, етмиш марта эгилиб, териб оламан.

— Парҳез ҳам қилдингизми?

— Ҳа. Ҳар куни эрталаб сутқатиқ икки стаканча, озгина нон билан. Тушликда 2 дона котлет ёки 2-3 дона манти тановвул қиламан. Кечқурун шўрва, иложи бўлса, қиймаланган мол гўшти ва 2-3 бурда нон.

Ўзимни ниҳоятда енгил сезяпман. Феъл-атворимда ҳам ижобий томонга ўзгаришлар бор. Илгари иш у ёқда турсин, юришга ҳам эринчоқ эдим. Уч-тўрт коса овқатни кўрдим, демасдим. Санъаткор эмасмизми, қайси тўйга борсак тўр бизники. Оқ, қизил ичимликлар қаторида турфа овқат бисёр. Энди мутлақо ичкиликни истеъмол қилмаяпман. Семизликни қўй кўтаради, дегани рост экан. Ортиқча гўштнинг фойдаси йўқлигини ҳаётда кўрдим.

— Бу борада дўхтирларга ҳам мурожаат қилганмисиз?

— Парҳез давомида урологлар Эргаш Жавлиев, Суюн Хўжамбердиев ва терапевт-кардиолог Абдурашид Жўрақулов, Тўра Чоршанбиевлар маслаҳатларини олиб, тиббий назоратдан ўтиб турдим.

— Озиш неча ойда сезилди?

— 8-9 ойларда.

— 75 килограммгача озган экансиз. Яна озгина...

— Икки йилда 150 килограммдан 75 килога озгандим. Яқинда синглим келиб: «Ўзингизни унчалик қийнаб қўйманг, сизнинг ёшингизда 80 килограммгача мумкин» деди. Озгина овқатга ўзгариш қилдим. Ҳозир 78 килограмман.

Озишимда ўзимнинг иродам, тиришқоқлигимдан ташқари, ота-онам, оилам хизматлари беқиёс. Хурсандлигим сабабларидан яна бири, бошдан-оёқ бир текис тарзда оздим. Менга ҳайрат ва ҳавасда қарайдиганлар кўпайди. Кўпчилик маслаҳат сўраб ҳам келяпти.

Суҳбатдошимиз яхшигина қўшиқчи. Туманда ўтказилган «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-конкурси совриндори. Уч фарзанднинг отаси. Қизи Наргиза, ўғиллари Давронжон ва Наврўзлар санъатга ихлосманд. 8 ёшли Давронжоннинг мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган юқоридагича номланган конкурсда ғолиб, деб топилиши фикримиз далилидир.

Азиз муштарий, орангизда озишни хоҳловчилар бўлса, Рустамжоннинг «антиқа» усулидан фойдаланинг, шунда ўзингизни енгил ҳис қилсангиз ажаб эмас.

АСР ОХИРИДА МАЪЛУМ БЎЛАДИ

Ўтаётган юз йилликнинг энг зўр автомобили қайси? Бу саволга жавобни 1999 йилнинг декабригача айтиш қийин. Фақат шундагина халқаро ҳайъат вакиллари бу ҳақда ўз хулосасини билдиради. Ғолиб эса фақат битта бўлади.

Ташкилотчиларнинг айтишларига қараганда, 1997 йилнинг март ойида бошланадиган «Аср автомобили» сайловлари уч йил давом этади. Ҳозиргача 700 та русумдаги ғолибликка номзод машиналар рўйхатга олинган. 6 кишидан иборат фахрий эксперт комитети кейинги юз йилда яратилган 200 дан ортиқ номзод — «Аср автомобили»га яроқлиларни ажратиб кўрсатади. Кейин халқаро ҳайъат аъзолари ва юз нафар автомобиллар билимдони бўлган, улар ҳақида ёзадиган турли давлатларнинг журналистлари овоз бериши орқали босқичма-босқич ўтган сайловларда хулосалар чиқарилади. Натижаси эса 1999 йилнинг декабрида тантанали равишда эълон қилинади.

Асакада чиқаётган автомобиллар ҳам юз йилликнинг эътиборли машиналаридан бўлса ажабмас.

КЕЛГУСИ ЙИЛДА ҲАМ КЎРАСИЗ

Ўзбекистон телевидениеси биринчи дастури орқали ҳар якшанба куни «Кўнгил кўчалари» видеофильмини кўриб боряпсиз. Муаллиф Машраб Бобоевга мурожаат қилиб, томошабинлар бу ҳаётий воқеаларга бой видео фильмнинг қолган қисмларини яна қанча вақт кўриши мумкин, дея сўрадик:

— Аввало, видеофильмнинг эл назарига тушганлигидан мамнунман, — деди муаллиф. Телевидение ижодий ходимлари билан самарали ишлаяпмиз. Келгуси йилда ҳам видеофильмнинг кўйлари давом этади.

Демак, 1997 йилда ҳам «Кўнгил кўчалари» орқали кўп қувончли ва афсус-надоматларга тўла лаҳзаларни кўрасиз.

Таҳририятимизга баъзи муштарийлар қўнғироқ қилиб «Нега газетанинг бир бурчаги обунаچи учун бўларкан, бошқа саҳифалардаги материаллар кимлар учун?» деган маънода саволлар беришяпти.

Гап шундаки, «Обунаچи бурчаги» рукни, фақат обуна мавсумида амал қилиб, ундаги қизиқарли мақолалар газетхоннинг эътиборини жалб этиши мақсадида шу бурчакда берилмоқда. Аслида эса «Ўзбекистон овози»га обуна бўлсангиз йил бўйи шу хилдаги турли миш-миш ва шов-шувларга жавоб берувчи материалларни ўқиб борасиз.

ЭЗМА РАҚИБДАН КЎРА...

Шарқда азалдан шахмат ўйини шоиру фузалоларнинг севимли машғулотларидан бири бўлиб келган. Айни пайтда уларнинг издошлари бўлмиш бизнинг замондош олимлар учун ҳам бу одат бегона эмас. Бироқ...

Шахматнинг ашаддий ишқибози, «Тафаккур» журнали бош муҳаррирининг ўринбосари, таниқли адабиётшунос олим Озод Шарофитдинов техника асри ютуқларидан бохабарлиги боис, бу ўйиннинг антиқа усулини ўзлаштириб олди.

— Ижоддан, таҳририят юмушларидан бўш пайтларим компьютер билан куч синашяпман. Ким нима деса десину бир юриб, ўн гапирадиган баъзи эзма рақибдан «гунг», аммо «билимдон» компьютер афзал менга. — дейди олим.

(«Обунаچи бурчаги» материалларини Эркин ЭСИРГАДИЕВ саралади).

Ёш ўринбосарлар. А. РИСҚИЕВ (ЎзА) олган сурат.

ЖАҲОНГА ОСИЁДАН БОРАМИЗ

Эртага Осиё кубоги учун ҳал қилувчи учрашувлар бошланади

Ҳамиша шундай. Катта футболнинг бошланиши ишқибозлар учун беором тунларга айланади. Бу юртимизда ашаддий ишқибозлар кўплигидан, футболга меҳр қўйганлар сафи кўпаяётганидан нишона. У ёғини сўрасангиз, халқаро миқёсда футболимизнинг алоҳида ўрни бор. Бу — мамлакатимизда халқ севган ўйинга катта эътибор қилинаётгани, унинг самараси ўлароқ йигитларимизнинг ўзларини нималарга қодир эканликларини Осиё чемпионатида намоён этишганида кўринди.

Маълумки, истиқлолдан кейин футболчиларимиз Осиё чемпиони бўлиб, дунё миқёсида оғизга тушдилар. Мана энди яна бир синов — Осиё кубоги учун ҳал қилувчи ўйинларда маҳорат кўрсатиш лозим бўлиб турибди. Зеро, жаҳон ҳамжамиятида нуфузи ортиб бораётган мамлакатимиз обрў ва эътиборини янада оширишга аҳд қилган футболчиларимизнинг бу сафар ҳам ишончни оқлашларига умид боғлаганмиз. Боиси, эзгулик йўлида саъй-ҳаракат қилиш ҳамиша хосиятли кечади. Мақсад битта — у ҳам бўлса Осиё миқёсида етакчи футбол жамоалари қаторидан ўрин олиб, жаҳон чемпионати сари йўл олишдир.

Йигитларимизнинг Бирлашган Араб Амирликларида ўтказиладиган Осиё кубоги учун баҳсларда муваффақият қозонишлари учун имкониятлар етарли дейиш мумкин. Аввало, футболчиларимиз маҳоратлари айни тобига етган, мамлакат чемпионати ўйинларида ўзларини кўрсатган ва мутахассислар назарига тушган бир палада синовга чоғланиб турибдилар. Шунингдек, қитъа кубоги учун баҳснинг биз учун яна бир хосиятли томони бор. Айтмоқчимизки, терма жамоамиз шу йил баҳорида Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинган бир шароитда орзуга интилмоқда. Энди футболимиз халқаро андозаларга мос бўлиб, барча ўйинчилар руҳиятдан ўтказилган, таъмирланган, ўйинчиларимиз эса профессионал мақомини олган, жамоалар клубларга айлантирилган ҳамда хўжалик ҳисобида фаолият кўрсатиш даражасига етган тарзда кубок учун курашга ҳозирлик кўрилди.

Терма жамоанинг бош мураббийси Баҳодир Иброҳимов ёрдамчилари Рустам Мирсодиқов, Александр Иванков ва Юрий Саркисянлар билан ҳамфикр ҳамда тадбиркорлик билан иш юритди. Мамлакатимиздаги энг кучли, тезкор футболчиларни саралаб, бош жамоани таркиб топтирди. Амирликларга йўл олган футболчиларимиздан кўпчилиги Осиё ўйинларида иштирок этган йигитлар. Жумладан, Фарҳод Магамедов, Улуғбек Рузимов, Февзи Давлетов, Илҳом Шарипов, Нуъмон Ҳасанов, Степан Атоян, Азамат Абдураимов, Игорь Шквирин, Олег Шацкихлар қатори бир қанча ёш ва чапдаст ўйинчилар ҳам жалб қилинган. Бош мураббий футболчиларимизни ўртоқлик учрашувларида синовдан ўтказишга кўпроқ эътибор қилди. Жумладан, Тошкентда терма жамоани иккига бўлиб, ўзаро майдонга туширишдан, Наманганда ҳам ана шундай учрашув ўтказиш ҳамда Амирликларда халқаро ўртоқлик учрашувларида қатнашиш ютуқ ва камчиликларни чамалашга имкон берди. Фақат футбол байрамида Миржалол Қосимов жароҳати туфайли қатнашолмайдиган бўлиб турибди.

Кубок учун кураш уч гуруҳда давом этади. «А» гуруҳига БАА, Индонезия, Қувайт, Корея Республикаси киритилган бўлса, «В» гуруҳида Саудия Арабистони, Эрон, Ироқ, Таиланд жамоалари жамланган. «С» гуруҳида Япония, Хитой, Узбекистон, Сурия футболчилари ўзаро куч синашадилар. Футболчиларимиз биринчи ўйинни 6 декабрда Хитой, 9 декабрда Япония ва 12 декабрда Сурия жамоалари билан ўтказадилар.

Гуруҳларда кучлилар саралангач, иккитадан ғолиб жамоа ҳамда яхши натижага эришган учинчи ўриндаги икки жамоа чорак финалга йўлланма оладилар. Дастлабки учрашув эртага БАА — Корея ўртасида бўлади. Бу сафар мухлисларга ажойиб совға ҳозирланган. Эртадан бошлаб деярли ҳар куни Ўзбекистон телевидениеси орқали учрашувлардан репортажлар бериб борилади. Ўйинлар маҳаллий вақт билан 16.45 ҳамда 19.00 да бошланади. 1956 йили Жанубий Корея Осиё кубогини қўлга киритган эди. Орадан тўрт йил ўтгач бу мамлакат ўз зафарини такрорлаган. Кейин Исроил, уч марта Эрон, Қувайт, Саудия Арабистони (2 марта), Япония футболчилари кубок соҳиби бўлишган. Бу сафар қайси мамлакат кубокни қўлга киритаркин?! Биз эса футболчиларимизга омад ва зафар тилаймиз.

Ҳайдар НОСИРОВ.

Ташкилотлар ва хусусий корхоналар диққатига!

"ЎЗБЕКЕНГИЛСАНОАТ" УЮШМАСИ

Енгил саноат маҳсулотларининг 1997 йилга улгуржи савдоси бўйича 5-6 декабрь кунлари **республика ярмаркасида** иштирок этишга таклиф этади.

Ярмарка тикувчилик, трикотаж, мўйна, пайпоқ маҳсулотлари, бош-кийимлар, пойабзаллар, кийим-кечаклар бўйича ўтказилади.

Ярмарка республика Ассортиментлар ва модалар марказида ташкил этилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Д.Қунаев кўчаси, 25-уй. Мўлжал — "Россия" меҳмонхонаси.
Маълумот учун телефонлар: 39-14-37, 39-14-39.

Предприятие реализует со склада в Ташкенте

полотенца ваф. и махр., телогрейки, радиаторы отопительные, паранит, набивку, э/ двигатели, дрели, светильники, лопаты, молотки, кувалды, ключи трубные и др. инструменты, вентиляторы напольные и пром, аккумуляторы щелочные, насосы, задвижки, замки накладные, канцтовары.

Оплата б/н, векс.
Тел/факс: 91-09-92 с 9.00 до 18.00, 54-37-88, 72-04-68 с 20.00 до 23.00.

Тошкент фармацевтика институти ректорати ва жамоаси ФИТКИ кафедрасининг собиқ мудири, доцент **В. А. ЗАХАРОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Одилжон ОЛИМЖОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), **Аслиддин БОЛИЕВ** (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» учун масъул), **Владимир ЧЕБОТИН** (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»), **Алимқул СУЛТОНОВ** (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»), **Александр ТЮРИКОВ** (масъул котиб — «Голос Узбекистана»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-20-36.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80.
факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Н. ШАКАРОВ, навбатчи О. БЕКМУРОДОВА.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 26.845 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0694

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.00.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА